



Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqa boshlagan

2011-yil 6-oktabr № 121-122 (3003) payshanba

Тўққиз ойлик яқунлари таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Комплексининг 2011 йилнинг 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яқунлари ва соҳаларда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар таҳлиliga бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифалар ижросининг таъминланиши, жумладан, соҳаларда 2011 йил учун белгиланган иқтисодий кўрсаткичларнинг, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, инновация ва инвестиция лойиҳаларининг бажарилиши, маҳаллий ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турларини, экспортбop маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар самарадорлиги муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг 9 ойида Комплекс бўйича жами 2 триллион 324 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Усиш суръати 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 121,6 фоизни ташкил этди. Аҳолига 1 триллион 142 миллиард сўм (121,1 фоиз) пуллик хизматлар кўрсатилди. Комплекс соҳаларига 214,9 миллион АҚШ долларилек инвестициялар жалб қилиниб, белгиланган кўрсаткичлар 223 фоизга бажарилди. Экспорт прогнози кўрсаткичлари 161 фоизни ташкил этди.

(Давоми 2-бетда)



Тошкентда Марказий Осиё саноат ҳафталиги бошланди

«Ўзэкспомарказ»да «Марказий Осиё саноат ҳафталиги — Central Asian Industrial Week» халқаро форуми бошланди. Тадбир доирасида «Тоғ-кон иши — Mining World Uzbekistan 2011», «Металлургия ва машинасозлик — Machinery Central Asia 2011» ҳамда «Йўл қурилиши ва коммунал техника — UzComak 2011» халқаро кўرғазмалари очилди. Кўрғазмалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Ўзавтйўл» давлат-акциядорлик компанияси, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги халқаро кўрғазма компаниялари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.



Аскар ЁҚУБОВ (ЎЗА) олган сурат

Анжуманнинг очилишида мамлакатимизда барча жабҳалар қатори тоғ-кон саноати, металлургия, машинасозлик каби соҳаларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди. Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан юртимизда қулай сармоявий муҳит яратилгани хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётди.

Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариши муттасил ўсмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 15 декабрда қабул

қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорига биноан амалга оширилаётган чора-тадбирлар янги турдаги енгил автомобиллар, ғалла ўриш машиналари, компрессорлар, кучланиш трансформаторлари, аккумуляторлар, кабель-ўтказгич маҳсулотлар каби қатор юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни изчил кўпайтириш имконини бермоқда.


Кўрғазмаларда Ўзбекистон, Хитой, АҚШ, Россия, Германия, Италия, Швеция, Австрия, Нидерландия, Финляндия, Канада, Буюк Британия, Чехия, Польша, Дания, Жанубий Африка,

Қозоғистон, Норвегия каби йигирма мамлакатдан етмишдан зиёд фирма ва компания ўз маҳсулотлари ва хизматларини таклиф этмоқда.

Марказий Осиё саноат ҳафталиги ва унинг доирасидаги кўрғазмалар мамлакатимизга хориж сармоясини кенг жалб этиш ва саноатнинг етакчи тармоқлари, хусусан, кончилик, металлургия ва машинасозлик, қурилиш соҳаларини янада ривожлантиришга, чет эллик шериклар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этишга, соҳага оид талаб ва таклифларни ўрганиш ҳамда товар айирбошлашни кенгайтиришга хизмат қилади.


ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди

САҲИФАЛАРИМИЗДА



Улуғлик сизга ярашгай, устоз!

8



Қай бири маъқул: Лолахонми ё Барби?

9



Иштибоҳ йўқдир, Низомиддин Алишер барҳаёт

13

Мамлакатимиз янги тарихини яратишнинг долзарб вазифалари

Шу йил 4 октябр куни Ўзбекистон Фанлар академиясида «Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби ва мамлакатимиз янги тарихини яратишнинг долзарб вазифалари» мавзудаги республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Конференция ишида ижтимоий-гуманитар фанлар, таълим ва тарбия соҳасида фаолият кўрсатаётган таниқли олимлар, педагоглар, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, кенг зиёлилар жамоатчилиги вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ватанамиз мустақиллигининг 20 йиллиги байрами арафасида мазкур китобнинг нашр этилиши мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлгани, халқимиз ўртасида ва халқаро маданий доираларда бу асар катта қизиқиш ва эътибор билан ўрганилаётгани таъкидланди. Эл-юртимизнинг ана шу тарихан қисқа даврда босиб ўтган гоёт мураккаб, айна вақтда шарафли тараққиёт йўли, бу йўлда қўлга киритилган, бугунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда тан олинаётган ютуқ ва марраларимизга қандай асосда, қандай оғир синнов ва машаққатлар эвазига эришилганини англаш, уларнинг барчасини яхлит ҳолда, ички диалектик қонуниятлари, бор зиддият ва қарама-қаршиликлар билан тушуниб етишда бу китоб ишончли манба ва амалий қўлланма бўлиб хизмат қилиши аниқ мисоллар, назарий ва амалий хулосалар асосида кўрсатиб ўтилди.

Бўлиб ўтган қизгин фикр алмашувлар давомида ўзининг таркибий тузилиши, мавзу-мундарижаси, асосий ғояси, бошқа манбаларда деярли учрамайдиган тарихий ва таҳлилий материалларга бойлиги билан алоҳида ажралиб турадиган бу китобга кирган, бугунги кунда биз учун ноёб манбага айланган ҳужжатлар ўз вақтида халқимизни истиқлол йўлида, янги жамият, янги ҳаёт қуриш йўлида сафарбар этган бўлса, ҳозирги вақтда яна бир улғу мақсадга — озод ва эркин ҳаётимизни қадрлаш, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий тафаккуримизни бойитиш ва юксалтиришга хизмат қилаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Бу фундаментал асар ўзининг чуқур маъно-мазмун, юртимизда истиқлолга эришиш, янги демократик жамият қуриш йўлидаги қўллаб-саволларга аниқ жавоб бериши билан қе-лажакка қаратилган қомусий асар экани қайд этилди.

Мустақиллигимиз тарихини ўрганиш ва яратиш борасида гоёт муҳим ва қимматли манба бўлган ушбу китобни жамиятимиз ижтимоий тафаккурини юксалтириш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда теран тадқиқ этиш, илмий истеъмолга киритиш, энг асосийси, унда баён этилган ғоя ва қарашларни 2010 йили Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш масаласи конференция дастурининг асосий мавзуларидан бири бўлди.

Ўзбекистоннинг истиқлол арафасидаги чуқур инқироз ҳолати ва бу инқироздан чиқиш йўлидаги изчил ҳаракатлар, юртимизда сиёсий-ижтимоий ислохотлар назариясининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари, мустақилликка эришишнинг сиёсий-ҳуқуқий заминининг ишлаб чиқиши ва жорий этилиши, иқтисодий-ижтимоий ислохотлардан сиёсий мустақиллик сари ташланган дадил қадамлар, тарихда шахснинг ўрни ва маънавий жасорат феномени, янги авлод кадрларини тайёрлаш концепциясига асос солиниши, миллий ўзлиқни англаш, маънавий тикланиш жараёнларининг назарий ва амалий пойдевори, китобни таълим тизимида ўрганишнинг долзарб масалалари ҳамда унинг ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган маърузалар ҳам конференция иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Шу ўринда «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобининг иккита энг муҳим жиҳати эътибор қаратиш жоиз.

Биринчидан, бу китоб истиқлол тарихимизнинг шу вақтга қадар атрофлича ёритилмаган саҳифаларини ҳар томонлама чуқур исботланган, рад этиб бўлмайдиган аниқ тарихий ҳужжатлар асосида очиб беради ва шу тариқа ҳозирги вақтда турли уйдирмаларни усталик билан ишлатиб, бу бўшлиқни ғаразли мақсадларда тўлдиришга, шу масалада кимларнингдир режа ва буюртмаларини бажаришга, биз бошимиздан кечирган тарихий воқеаларни бузиб талқин этишга қаратилган уринишларга ҳеч қандай имкон қолдирмайди.

Маълумки, ўша йиллардаги воқеа-ҳодисаларни ўз кўзи билан кўрган, уларга гувоҳ бўлган одамларнинг сафи бугунги кунда тобора камайиб бормоқда, униб-ўсиб келаётган ёш авлод эса бу тарихдан етарли даражада хабардор эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, китобнинг **иккинчи муҳим жиҳати** шундаки, у ўша суронли йилларнинг энг ишончли ҳужжати сифатида вақ ўтиши билан унутилиб, йўқолиб кетиши мумкин бўлган ноёб маълумот ва манбаларни тиклаб, истиқлол тарихимизни сохталаштиришга йўл қўймасдан, уни ҳаққоний асосда яратиш, бугунги ва келгуси авлодларнинг уни чуқур ўрганиб, англаб етишлари учун мустаҳкам замин яратади.

Конференция ишида «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини чуқур илмий-методологик жиҳатдан ўрганиш ва шу асосда Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш борасидаги илмий мезон ва ёндашувларни қайта кўриб чиқиш, ижтимоий-гуманитар фанларни ривожлантириш, асарнинг туб моҳиятини кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар онгига етказиш бўйича долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

(ЎЗА)

Тўққиз ойлик яқунлари таҳлили

(Давоми. Боши 1-бетда)

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишнинг бориши, комплекс таркибга кирувчи вазирлик, идораларда ижро интизомининг аҳволи атрофлича таҳлил қилиниб, бу борада амалга оширилаётган ишларни такомиллаштириш юзасидан тегишли вазифалар белгиланди.

Мажлисда мамлакатимиз касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, болалар учун спорт иншоотлари, сузиш ҳавзалари, мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш бўйича амалга оширилган ишлар самарадорлиги, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда қорхона, ташкилотларнинг куз-қиш мавсумига

тайёргарлиги ҳолати, архив ишини такомиллаштириш ва марказий давлат архивларини реконструкция, модернизация қилишга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Шунингдек, йиғилишда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, вазирлик ва идоралар матбуот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг расмий веб-сайтлари орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, аҳолига ахборот бериш ва интерактив хизматлари кўрсатишни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Комплекс таркибга кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан қўйилган устувор вазифалар ижросини оғишмай амалга ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгилаб олинди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

Ёшлар форуми сардоси



Юртимизда ёшлар учун яратилаётган имкониятлар, турли хил анжуманларнинг ташкил этилиши уларнинг етуқ инсон бўлиб вояга етишларида муҳим рол ўйнайди. «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан» шиори остида ўтказилган Ёшлар форуми ҳам ёшлар хотирасида қоладиган тадбирлардан бири бўлди.

10.00. ЎЗКУФК Ўқув марказида Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабга уюшмаси Ёшлар кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кун тартибидан «Андижон ва Самарқанд вилоятларидаги коллежларда «Устошогирд» аъналарини амалга таъбиқ этиш, коллежларда таҳсил олаётган ўқувчиларни иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида»ги масала жой олди.

Тармоқ касабга уюшмалари, Сирдарё вилоят Ёшлар кенгаши раиси Фулом Жумабеков бу ҳақда шундай дейди:

— Андижон ва Самарқанд вилоятларидаги коллежларда «Усто-шогирд» аъналарини жорий этишда ижобий ишлар амалга оширилаётгани қалбларимизни жунбишга келтирди. Бу иш тажрибаларини бошқа вилоятларда ҳам амалиётга таъбиқ қилишга қарор қилдик. Уларнинг ютуғи шундаки, амалиёт яхши йўлга қўйилган бўлиб, бу эса коллежларни эндигина битирган ёшларнинг қийналмасдан фаолият олиб боришларини таъминлайди.

Тақлиф сифатида эса, шуни айтмоқчиманки, коллежни битирган ёшларнинг малакасини ошириш учун сиртқи бўлимлар ҳам ташкил этилса, яхши бўларди. Чунки, кундан-кунга ривожланишга юз тутаяётган мамлакатимизда ёшларнинг салоҳиятини қўшимча билимлар билан ошириб бориши давр талабидир.

13.00. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетида Ёшлар форуми

тантанали равишда очилди. Форумда Марказий кенгаши раиси Ш.Қодиров «Тармоқ касабга уюшмаси Ёшлар кенгашининг устувор вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

Шунингдек, Тошкент ислом университети Исломунослик илмий-тадқиқот маркази ҳадисшунослик бўлими катта илмий ходими Дилафруз Турдиеванинг «Истиқлол берган имконият» мавзусидаги маърузаси тингланди.

— 1997 йилнинг 7 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг ташаббуси ва фармони асосан Тошкент шаҳрининг энг қадимий Шайхонтоҳур даҳасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети очилиши муҳим аҳамиятга эга тарихий воқеа бўлди. Ўтган давр мобайнида муайян ютуқларга эришилди. Жумладан, 10 га яқин талаба «Имом Бухорий» номидидаги давлат стипендияси, 6 нафари эса Касаба уюшмаси стипендияси соҳиби бўлишди. Шунингдек, талабаларимизнинг Малайзия ва Маккада ўтказилган Халқаро Куръон мусобақасининг ғолиби бўлиши уларнинг билим даражасидан дарак беради. Бугунги форумда ҳам университетиимизнинг 1-курс магистранти Гулрух Содиковага касабга уюшма стипендияси тақдим этилиши ҳам фикримизнинг тасдиғидир.

— Мазкур форумнинг айнан шу ерда ўтказилиши бежиз эмас, — дейди университет бошланғич касабга уюшмаси кўмитаси раиси Юсуф Содиков.

— Бу даргоҳни битирган бакалавр ва магистрлар ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентини Девони, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита, Ички ишлар вазирлиги идоралари, Тошкент ислом институти, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, вилоят ва туманлардаги маънавият ва маърифат бўлимларида ўз иш фаолиятлари билан кўпчиликка намуна бўлишмоқда.

Форумда таниқли актёрлар билан учрашув ўтказилди ҳамда Тошкент ислом университети «Манбалар хазинаси» кутубхонаси фаолияти билан яқиндан танишилди.

— Ёшлар форумини иккинчи марта ўтказаямиз, — деди касабга уюшмаси Ёшлар кенгаши раиси Тоир Меҳмонқулов. — Бу йилги анжуманимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллик шодиёналарига уланиб кетди. Истиқлол йилларида юртимизда эришилган мисли кўрилмаган ютуқлар, эл-юрт манфаати йўлида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотлар яна бир бор ёдга олинди, янги вазифалар белгиланди. Зеро, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, эришилаётган ютуқлар дунё ҳамжамиятида юқори баҳоларга сазовор бўлаётганлиги биз ёшларда ҳам ифтихор туйғусини уйғотди.

Назира БОЙМУРОВА,
«Ishonch» муҳбири.
Муаллиф олган суратлар

Хорманг, пахтакорлар!



САМАРҚАНД вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ҳамкорлигида пахта йиғим-терими илғорлари ҳар беш кунда рағбатлантириб борилаёпти.

Жумладан, Иштихон педагогика коллежидан Нилуфар Тожибоева «Илғор сардор қизлар», тумандаги «Қорачу-вал тонгги» фермер хўжалиги аъзоси Назокат Омонова эса «Энг илғор теримчи» номинациялари голиби сифатида тақдирланди.

— Оила аъзоларимиз билан келишиб, тўрт киши пахтакорларга кўмакка отландик, — дейди Пастдарғом туманида яшовчи уй бекаси Фарида Болитова. — Беш кунда уч тоннадан ошiq пахта теришга эришдик. Касаба уюшмалари томонидан қимматбаҳо телевизор совға қилинди. Меҳнатимиз муносиб баҳоланиши фойдалигимизга фойдалигимизга.

Оқдарё туманидаги «Арпа» маҳалласи, Нарпай туманидаги 136-отряд ҳам номинацияларда голиб бўлди. Яна ўнлаб жамоа ва теримчилар мукофотланди.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда Транспорт, йўл ва капитал қурилиш индустрияси ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг масъул ходимлари Самарқанд вилоятининг Оқдарё, Пастдарғом, Каттақўрғон ҳамда Иштихон туманлари далаларида меҳнаткашларга яратилган шарт-шароит, меҳнатга ҳақ тўлаш аҳоли билан яқиндан танишдилар. Бир гуруҳ фермер, теримчи ва ҳашарчилар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ Тошкент шаҳар КУТБК ҳамда шаҳар таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси кенгаши Жиззах вилояти далаларида меҳнат қилаётган пойтахтлик ҳашарчиларга муносиб иш ва дам олиш шароити яратиш, улар меҳнатини рағбатлантириш тадбирларини давом эттиришяпти.

Шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасидан 1600 нафар, халқ таълими бош бошқармасидан 2000 нафар ҳашарчи Пахтакор тумани деҳқонларига яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Ўқитувчи ва мураббийлар куни Тошкент шаҳар КУТБК масъул ходимлари пойтахтлик ҳашарчиларга яратилган шароит билан танишишди. 3600 нафар ҳашарчига байрам дастурхони ёзилиб, ош тортилди. Шу куни илғор теримчиларга Тошкент шаҳар КУТБКнинг 3,5 миллион сўмлик совғаси топширилди. Шунингдек, шаҳар маданият ва спорт ишлари Бош бошқармаси билан ҳамкорликда концерт дастури намойиш этилди.

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси томонидан Зафаробод туманидаги «Гавҳар Раҳимовна» фермер хўжалигининг шинама дала шийпониди ҳашарчи-теримчилар билан пойтахтлик бир гуруҳ санъаткорларнинг учрашуви ташкил этилди.

«Хорманг, пахтакорлар!» деб номланган ушбу маданий-маърифий тадбир тумандаги С.Раҳимов, Ҳ.Олимжон номи хўжаликлардаги ҳашарчи-теримчилар ҳузурида ҳам бўлиб ўтди.

Зафарободлик пахтакорлар, ҳиммати баланд ҳашарчиларга компания томонидан 5 млн. сўмлик совғалар улашилди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ 8220 гектар майдонга сара чигит қадаган навбахорлик пахтакорлар режадаги 23.260 тонналик «оқ олтинни» қисқа муддатларда йиғиштириб олиш учун астойдил меҳнат қилаётди. Юқори Бешработ, Калачи, Кухрон, Янгиобод, Оқ олтин маҳалла фуқаролар йиғини аҳли чинакам деҳқон мададкорига айланди. «Арабхона» фермер хўжалиги далаларида ҳам иш қизгин. Дилбар Шодиева, Гулноза Ҳамроева сингари илғор теримчилар (оила аъзолари кўмагида) ҳар беш кунликда 260-280 минг сўм олаётди.

Ваъда қилинганидек, хўжалик давлатга 88 тонна пахта топшириб, йиллик режани адо этди. Туман ҳокимияти ва Агроеколог мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгашидан келган вакиллар илғор теримчи, ҳашарчиларни мукофот ҳамда совғалар билан хушнуд этишди.

Айтишларича, шу кунларда «Валиобод» фермер хўжалиги шийпониди туман маданият ва спорт бўлими бадий жамоаси қизиқарли концерт дастурини намойиш этади. Томоша бошланиши олдида эса вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси вакиллари Назира Тоғаева ҳамда Шўхрат Халиловлар илғорларга мукофот ва совғалар топширади.

Навоийлик пахтакорлар илиқ кунларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиб, ҳосилни нест-нобуд қилмай териб олишга ҳаракат қилишмоқда.

Меҳнаткашлар ҳузурида концертлар ташкил этилиб, муносиб рағбатлантирилмоқда. Хусусан, Хатирчи туманидаги 55 нафар теримчи ва ҳашарчига таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси кенгашининг 850 минг сўмлик совғалари топширилди. 4 нафар энг илғор ҳашарчи эса вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан тақдирланди. Уларга Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ҳисобидан спорт формалари топширилди. Қизилтепалик 6 нафар илғор ҳашарчи-теримчи ҳам шундай совғалар билан сийланди. Шунингдек, Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг 450 минг сўмлик тўғалари эгаларига етказилди.

БУХОРО ВИЛОЯТИ Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Бухоро вилояти ва туман ҳамда шаҳар кенгашлари ходимлари ҳашарчиларга қўлай шароитлар яратиш, дала шийпонларининг аҳоли, терим иштирокчиларининг саломатлигини муҳофаза қилиш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш билан шуғулланмоқдалар.

Тиббиёт муассасаларидан салкам тўққиз минг киши, тармоқдаги олий ва ўрта махсус ўқув юрларидан тўрт минг саккиз юз ходим бўш вақтида пахтакорларга кўмак беришмоқда.

— Ҳашарга чиққан ходимларимизни рағбатлантириш, уларнинг озиқ-овқатлари, дори қўтичалари учун 9 млн. 810 минг сўм сарфланди, — дейди тармоқ касабаси уюшмаси вилоят кенгаши раиси Шавкат Султонов.

Шунингдек, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро ва Жиздувон тиббиёт коллежларининг 30 нафар ўқитувчисига салкам 1,5 млн. сўмлик қимматбаҳо совға ҳамда фахрий ёрлиқлар топширилди.

Алоқа ходимлари бирлашган касабаси уюшма кўмитаси ташаббуси билан «Ўзтелеком» АК Бухоро филиали маъмурияти томонидан бўш пайтида ҳашарга чиққан ходимларга овқат пули тўланмоқда. «Ўзнефтгазқудуктаъмирлаш» ОАЖ касабаси уюшма кўмитаси томонидан йиғим-теримда иштирок этаётган 150 нафарга яқин ҳашарчига бепул нонушта, тушлик ва кечки овқат берилаяпти. Илғор теримчиларга 800 минг сўмлик совғалар топширилди.

Вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва тармоқ кенгашлари маблағидан ҳашарчилар соғлигини муҳофаза қилиш учун 11 млн. 30 минг сўмлик дори-дармон ва 5 млн. 250 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари олиб берилди. Илғор теримчиларга 12 млн. 15 минг сўмлик қимматбаҳо совғалар топширилди. Шунингдек, туманлардаги бадий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари, касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан тузилган фаоллардан иборат 3 та гуруҳ аъзолари барча туманларда ҳашарчилар учун яратилган шарт-шароит билан танишмоқдалар. Чунинчи, ётоқхоналарнинг аҳоли, санитария ҳолати, ичимлик суви ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлиги, уларнинг сифати, ҳашарчилар соғлигини назорат қилиш учун биркирилган мутахассислар, дори-дармон билан таъминланганлигини ўрганаётдилар.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ Сариосиёлик деҳқонлар республикада биринчи бўлиб, пахта тайёрлаш бўйича давлат шартномасини бажаришди.

Далаларда пахтакорларга кўмакдош бўлаётган ҳашарчилар учун барча шароит яратилган. Терим пули пешма-пеш берилаяпти. Бугунгача терим иштирокчиларига 1 млрд. 455 млн. сўм тарқатилди. «Тоқчиён», Г.Хидиров номи СИУлардаги фермер хўжаликлари 1,5 млн. сўмдан мукофот олишди.

Далаларда ҳали ҳосил мўл. Туман деҳқонлари яна 5 минг тонна «оқ олтин» топшириш, ҳосилдорликни 39,5 центнерга етказиш мақсадида сафарбарликни давом эттиришяпти. Бу мавсумда пахтачиликдан 15 млрд. 123 млн. сўм даромад олиниши кутилмоқда.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ Косонсой тумани далаларида пахтакорларга кўмакдош бўлишга бел боғлаган ҳашарчиларга қўлай шароит яратилган. Туман ҳокимлиги ва тармоқ касабаси уюшмаларининг ташаббуси билан дала шийпонлари сифатли таъмирланди. Айниқса, уларда маънавият хоналари ташкил этиш, дам олиш ва ювиниш учун етарли шароит яратиш, керакли дори-дармон ва гигиена хоналарининг бўлишига асосий эътибор қаратилди. Қатор дала шийпонлари касабаси уюшмалари ёрдамида кароватлар, сув идишлари билан таъмирланди.

Тумандаги боғдорчилик деҳқон-фермер хўжаликлари ва хусусий боғ эгалари деҳқонларга ёрдам қўлини чўзмоқда. Улар нафақат йиғим-теримда, ҳашарчиларни маҳсулотлар билан таъминлашда ҳам кўмак беришяпти.

Илғорларни рағбатлантириш учун 2000 дан ортиқ совғалар тайёрланди. Голиблар ҳар куни рағбатлантирилмоқда. Туман маданият ва спорт ишлари бўлимининг санъаткорлар гуруҳи терим иштирокчиларига юқори кайфият улашмоқда.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ Шу кунларда пахта йиғим-теримида иштирок этиш, деҳқонларимизга кўмакдош бўлиш ҳар бир хоразмликнинг қалб амрига айланган.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан теримчи ва ҳашарчиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, улар учун иш ва дам олиш шароити яратиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар теримчи ва ҳашарчиларнинг фойдалигини оширишмоқда.

Федерация кенгаши масъул ходимлари Хонқа тумани пахтазорларида бўлиб, терим жараёни, меҳнаткашларга яратилаётган шарт-шароит билан танишдилар. 100 га яқин ҳашарчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши масъул ходимлари Амударё тумани пахта далаларида меҳнат қилаётган ҳашарчилар билан учрашдилар. Улар бу ерда яратилган шароит билан танишиб, илғор теримчиларга, шунингдек, терим ишларини яхши ташкил этаётганларга қимматбаҳо совғалар топширишди.

ТашПТИ Нукус филиали, Хўжайли, Қўнғирот, Тўрткўл, Эллиққалба, 1-, 2- Нукус тиббиёт коллежлари ходимлари ҳамда Республика даволаш профилактика муассасаларининг 40 нафар илғор теримчисига Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар, 80 нафар теримчига Федерация кенгашининг Фахрий ёрлиқлари, 212 нафар теримчига соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси республика кенгаши томонидан 3 млн. 824 минг сўмлик совғалар тақдим этилди.

Шунингдек, бошланғич касабаси уюшма кўмиталари томонидан 101 нафар илғор теримчи 2 млн. 564 минг сўм миқдоридидаги совғалар билан тақдирланди.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ Пахта теримида қатнашаётган меҳнаткашларни рағбатлантиришга Тошкент вилояти истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаси уюшмаси кенгаши томонидан 2 млн. сўм маблағ ажратилди. Тармоқ касабаси уюшма фаоллари Янгийўл, Чиноз, Бўка ва Ўртачирчиқ туманларидаги фермер хўжаликлари далаларида пахта тераётган теримчи ва ҳашарчилар ҳузурида бўлиб, уларнинг турар жойи, иш шароити билан яқиндан танишишди. Илғор теримчиларга мавсумбоп пойабзал ва бошқа совғалар топширилди.

Паркент, Бўстонлик, Қибрай, Оққўрғон туманлари тармоқ касабаси уюшма кенгашлари томонидан пахта теримида қатнашаётган ходимларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, зарур санитария шароитларини яратиш билан бирга, маданий-маърифий тадбирлар ҳам уюштирилмоқда.

Намунали бошланғич ташкилот

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган беш та-
мойилнинг таркибий қисмларидан бўлиш меҳнаткаш-
ларни ижтимоий ҳимоялашни муваффақиятли амалга
оширишда касаба уюшмаларининг ўзига хос ўрни бор.

Қадам олишлари
бугуннинг нафасига мос

Бугун туман агросаноат маж-
муи ходимлари касаба уюшма-
сининг 23 та бошланғич ташки-
лоти атрофига 16683 дан зиёд
аъзо жамланган бўлиб, бош
йўналишимиз уларни ижтимоий-
иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя-
лашдан иборатдир. Давр фао-
лиятимизни доимий такомил-
лаштириб боришни тақозо эт-
моқда. Ширкат хўжаликлари ту-
гатилиши муносабати билан
улар негизда фермер хўжалик-
лари, муқобил машина-трактор
парки, сув истеъмолчилари
уюшмаси ва биосервисларга
бирлашган касаба уюшма таш-
килотлари тузилди.

Ушбу ўзгаришлар туфайли,
аъзолар сони реаллашди. Улар-
ни қўллаб-қувватлаш, моддий
ва маънавий рағбатлантириш
имконияти ошди.

Бошланғич ташкилотларимиз
ҳақида сўз кетганда, фермер
Шухрат Ўдабоев етакчилик
қилаётган «Бешмерган» қишлоқ
фермер хўжаликлари касаба
уюшма ташкилоти ҳақида
тўхталмасликнинг иложи йўқ.
Ташкилот 2004 йилда ташкил
топган бўлиб, ҳозирда 600 дан
зиёд аъзоларни бирлаштирган.
Унда 10 та деққончилик, 1 та
паррандачилик, 1 та балиқчилик
ва 25 та боғдорчилик йўналиш-
ларидаги фермер хўжаликлари
мавжуд. Соҳибкор МТП, «Шовот
ўдачи» сув истеъмолчилари

уюшмаси, «Соҳибкор биосер-
вис» МЧЖлар ҳам унинг тасар-
руфида.

Шухрат Ўдабоев раҳбарлиги-
даги «Уста Матсафо» фермер
хўжалиги довруғи бутун респуб-
ликада машхур. Тиниб-тинчимас
йигит эндиликда бошланғич
ташкилот тасарруфидаги фер-
мерларни ҳам илғор қилиш
йўлида изланмоқда.

2008 йилда бошланғич таш-
килот раиси этиб сайланган
Ш.Ўдабоев ишни қишлоқ фуқа-
ролар йиғини биносидаги бўш
турган хоналарни таъмирлатиб,
фермер хўжалиги маблағи ҳисо-
бига жиҳозлашдан бошлади.
Эндиликда бу ер барча меъёрий
ҳужжатлар, кўргазмалар қуро-
лар, касаба уюшма фаолиятига
доир йўриқнома ва китоблар,
қонун тўпламлари билан таъ-
минланган.

Ташкилот аъзоларини жипс-
лаштириш ва аъзолик афзал-
ликларини асослаш мақсадида
раис кўплаб спорт мусобақалари
уюштиришга бел боғлади.
Жумладан, уруш ва меҳнат фах-
рийси Якуб Шарофидинов,
Шарифбой табиб Хўжаев хоти-
расига бағишлаб ўтказилган во-
лейбол, миллий кураш мусоба-
қаларида барча аъзолар фаол
иштирок этишди.

Наврўз, Мустақиллик, Ҳайит
байрамларини нишонлашда ҳам
бошланғич касаба уюшма таш-

килотининг хизмати катта. Ма-
халлалар, фермерлар орасида
миллий анъаналаримизни мус-
таҳкамлаш мақсадида уюштири-
ладиган танловлар, концерт да-
стурлари, кам таъминланган
аъзоларни ва оила фарзандла-
рини рағбатлантиришда Шухрат
Ўдабоев бош-қош.

Утган йили бошланғич ташки-
лот раиси АСМ ходимлари каса-
ба уюшмаси Марказий кенгаши
томонидан уюштирилган спорт
байрамида Хоразм вилояти жа-
моасига етакчилик қилди. Жа-
моа мини футбол баҳсларида
иккинчи ўринни қўлга киритди.

Шунингдек, аъзо ва уларнинг
фарзандлари саломатлигини му-
ҳофаза қилишга ҳам алоҳида
эътибор қаратилмоқда. Ўндан
зиёд бола Тошкент вилояти
оромгоҳларида дам олди. Туман-
да фаолият кўрсатган «Шовот»
оромгоҳига моддий ва маънавий
кўмак берилди. Бир неча бор
«Бешмерган» қишлоқ маданият
уйи ходимлари билан ҳамкорлик-
да тадбирлар уюштирилди.

«Ташаббус» кўрик-танловида
бир неча бор республика ва ви-
лоят миқёсида ғолибликни қўлга
киритган, «Шухрат» медали ни-
шондори, АСМ ходимлари каса-
ба уюшмаси Марказий кенгаши
раёсат аъзоси Шухрат Ўдабоев
фаолияти ҳақида кўп гапириш
мумкин.

Яқинда у «Ўзбекистон Рес-
публикаси мустақиллигига 20
йил» кўкрак нишони, Ўзбекистон
касаба уюшмалари Федерация-
си кенгаши Фахрий ёрлиғи бил-
ан тақдирланди. Бугун унинг
бутун диққат-эътибори деҳқон-
ларимиз пешона тери эвазига
етиштирилган пахта ҳосилини
нобуд қилмасдан йиғиштириб
олишга қаратилган.

Саъдулла ТОЖИЕВ,
АСМ ходимлари касаба
уюшмаси Шовот туман
кенгаши раиси

Ташаббус изидан

Энг обод боғ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг
«Кўчат экиш савобдир» шиори остида мамлакатимиз
мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан ҳар
бир касаба уюшма аъзоси 20 туздан кўчат экиши
ҳақидаги ташаббуси диёримизда кўплаб янги
боғларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Албатта,
кўчат экишнинг ўзи билан иш битмайди. Уни ҳосилга
киргунча парваришлаш ҳам керак. Шу боис касаба
уюшмалари ниҳолларнинг униб-ўсишини таъмин-
лашга ҳам бош-қош бўлди.

Хоразм вилоят таълим, фан ва маданият ходим-
лари касаба уюшмаси аъзолар орасида боғдор-
чиликка меҳрни ошириш, кўҳна заминнинг янада
обод ва фаровон бўлишига улуш қўшиш мақса-
дида «Энг обод боғ» танловини эълон қилган эди.
Яқинда ушбу танлов ғолибларини аниқлаш ва тақ-
дирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

— Таълим муассасасининг атрофи ҳар доим
обод бўлиши шарт, — деди кенгаш раиси Му-
яссар Раҳимова. — Бу, авваламбор, ёш авлод
қалбида эстетик диднинг шаклланишига сабаб
бўлса, иккинчидан, экологик муҳитнинг яхшила-
нишини таъминлайди. Танлов ғолибларини
аниқлаш мақсадида комиссия аъзолари билан
вилоятимиздаги кўплаб таълим муассасалари-
га ташриф буюрдик. Албатта, ҳар хил манзарага
дуч келдик. Баъзиларини кўриб, кўзимиз яшна-
са, айрим ҳолларда бунинг акси бўлди.

Танловда умумтаълим масканлари орасида Ян-
гибозор туманидаги 26-мактаб биринчи, Хонқа ту-
манидаги 12-мактаб иккинчи, Урганч туманида-
ги 5-мактаб учинчи ўринга лойиқ топилган бўлса,
мактабдан ташқари муассасалардан Янгиариқда-
ги «Баркамол авлод» маркази биринчи, Хазорас-
пдаги 6-мактабгача таълим муассасаси иккинчи,
Янгибозор туманидаги 18-боғча учинчи ўринни
қўлга киритди. Қатор таълим-тарбия масканлари
номинациялар ғолиблигини қўлга киритди.

— Бу йил Жиззахдан «Питунья» гули уруғи олиб
келиб, туманимиздаги барча мактаб ва боғчалар-
ни гул кўчатлари билан таъминладик, — дейди
«Баркамол авлод» маркази директори Илҳом Му-
родов. — Субтропик ўсимликларни ўстириш мақ-
садида иссиқхона ташкил қилди. Бу йил эккан 500
туп мевали ва 300 туп манзарали дарахтларимиз-
нинг тўла униб-ўсишига эришдик.

Ғолиб жамоаларга китоблар совға қилинган
ни барчага бирдай маъқул бўлди.

Муҳаббат Тўрабоева,
«Ishonch» муҳбири

Фахрийлар ҳақида ҳикоялар



Минг тўққиз юз етмишинчи йилнинг ёзи.
Шаҳрисабзнинг хушманзара худудида жой-
лашган оромгоҳлардан бирида вилоят миқё-
сида болаларни ёзги таътил даврида дам
олдиришга бағишлаб ўтказилаётган йиғилиш
«силлиққина» давом этарди. Навбатдаги сўз
вилоят касаба уюшма кенгаши масъул ходи-
мига берилди. Ходим кутилмаганда, сўзини
кескин танқид билан бошлади. Атрофга сув
қўйгандек жимжитлик чўкиб, йиғилиш ишти-
рокчиларининг вужуди қулоққа айланди.

Нотиқ оромгоҳ эътиборсиз
ташлаб қўйилганлигини, бир неча
бор ёзма равишда маълум қилин-
ганлигига қарамасдан, болаларга
берилаётган овқат сифати, тарки-
би қониқарсиз эканлиги, бунга
эса хўжалик ташкилотининг раҳ-
бари шахсан айбдорлигини таъ-
кидлаб ўтди.

Сўзини тугатар-тугатмас ишдан
ҳайдалиши ҳақида фол очилиб,
омонатгина жойига келиб ўтирган
нотиқ касаба уюшмалари вилоят
кенгашининг маданият ва спорт
ишлари бўлими мудир Суюн Бек-
назаров эди.

— Ўшанда танқид қилмасам,
виждоним қийналарди, — дейди
Суюн ака. — Чунки, оромгоҳ
қаровсиз ташлаб қўйилган, бола-
лари ҳолидан хабар олишга ке-
либ, шароитдан огоҳ бўлган ота-
оналарнинг норозилиги авжига
чиққан эди. У пайтлар биринчи
раҳбар ҳузурида танқидий чиқиш
қилиш осон эмасди. Менга тазйиқ
бўлишини ҳам чамалаб қўйган-
дим.

Лекин аҳвол кўпчилик кутгани-

дек бўлмади.
Раҳбар танқидни тўғри
қабул қилиб,
мендан эрта-
си куни ором-
гоҳга бори-
шимни сўра-
ди. У ерда

ўтказилган йиғилишда раҳбар хиз-
мат сафарига бўлган пайтда ишга
масъулият билан қарамаганлиги учун
ўринбосар, оромгоҳ директори ва
бир неча ходим охириги огоҳланти-
риш билан вазифасида қолдирилди.

Оромгоҳ кўп ўтмай, барча кўрсат-
кичлар бўйича намунали масканга
айлантирилди. Менинг эса хўжалик
раҳбарининг қишга картошка ғам-
лаш мақсадида қўшни республика-
га хизмат сафарига кетганлигидан
хабарим йўқ эди. Танқид тўғри
еканлигини айтиб, у мардик қилди,
мен ҳам ўжар характеримга тўғри
келмаса-да, вазиятдан беҳабарли-
гим учун уэр сўрадим.

Уша пайтлар ҳам болаларни дам
олдириш масъулияти хўжалик таш-
килотлари билан биргаликда каса-

ба уюшмалари зиммасига юкланган
эди. Ҳар йили фаолият кўрсатади-
ган 30 та оромгоҳда 38 минг нафар-
дан ортиқ бола дам олдирилди.
Мақтаблар ҳузурида ташкил этила-
диган кундузги оромгоҳларга 10
минг нафарга яқин бола жалб эти-
ларди. Дам олиш масканларининг
асосий қисми агросаноат тизимида-
ги ташкилот ва корхоналар тасарру-
фида эди.

Кейинги пайтда мулк шакли ўзга-
риб, айрим йирик хўжалик субъект-

ти юкланганди. Хўжалик ва ташки-
лотларда 65 та клуб, 10 дан ортиқ
маданият саройи, 82 та кутубхона,
183 та кинозал, 30 та маданият уйи,
40 тадан ортиқ қўчма кинокурлма
ва бошқа муассасалар мавжуд эди.

Қишлоқларда ҳаётнинг аксарият
ҳолларда бир хиллиги, маданий
хизматга бўлган эҳтиёж одамларни
маданият муассасаларига етаклаб
келарди. Кун бўйи меҳнат қилган
ишчи-хизматчилар марказдан бор-
ган таниқли хонанданинг концерт

Эхтишром

ларининг тугатилиши туфайли ўндан
ортиқ оромгоҳ ўз фаолиятини
тўхтатди. Болаларни дам олдириш
масъулияти бўлимимиз ходимлари
зиммасига юклатилганлиги сабабли
мавсум давомида оромгоҳларнинг
фаолиятини назорат қилиш, амалий
ёрдам бериш билан машғул бўлар-
дик. Шу сабабли ишнинг яхшилани-
ши учун юқоридагидек раҳбарлар
билан тортишувлар ҳам бўлиб ту-
рарди.

Кенгашнинг маданият ва спорт
ишлари бўлими жуда кўптармоқли
бўлиб, бўлимда ишловчи 10 нафар-
га яқин ходимлар зиммасига вило-
ят касаба уюшма ташкилотларида
маданий-маърифий, спорт ишлари,
кутубхона, кино хизматини ташкил
этиш ва назорат қилиш масъулият-

дастурини тинглаб, айлантирилав-
риб сийқаси чиққан филмларни
қайта-қайта кўриб «ҳордиқ» чиқари-
шарди.

Истеъдодли хонандалар Ўзбеки-
стон халқ ҳофизини Ўлмас Саиджонов,
мумтоз ашулаларнинг моҳир ижро-
чиси Изро Малахов, Чамангул Ну-
руллаева, ака-ука Исоқовлар ва
бошқалар ўша йиллари касаба уюш-
маларининг кўмагида халққа танил-
ган эдилар. Улар томонидан ижро
этилган ашулалар, куй-қўшиқлар
халқимизнинг маънавий мулкига ай-
ланган.

Касаба уюшма ходимлари учун
зарур бўлган мана шундай маъна-
вий-маърифий ишларни амалга
оширишда, халқ орасидан истеъдод
эгаларини, қобилиятли ёшларни,

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

Хаёт қувонч ва ташвишлардан иборат. Баъзан қувончга етиш учун ташвишларни меҳнат ва ирода кучи билан енгиб ўтишга тўғри келади. Бойсунлик Аширгул Норқобилова ўзи туғилиб ўсган тоғли Гуматак қишлоғидаги 53-умумий ўрта таълим мактабда муаллима бўлиб ишлайди. Тоғлик ҳудудда яшаш, қолаверса, ўқитувчилик қилиш инсондан катта ирода талаб этади. У баъзан қиру адирлар, тоғлар оша мактабга, ундан уйига қайтган ўқувчисини ўйлаб, ҳаловати бузилади. Бирор сабаб билан дарсга келмай қолган шогирдини йўқлаб, хавфли сўқмоқлар оралаб йўлга тушади... Аширгул касбига садоқати, фидойилиги, ташкилотчилиги ва ўқувчиларига меҳрибонлиги туфайли тез орада ота-оналар ва жамоадошлари хурмат ва эътиборини қозонди. Шу боис ҳамкасблари уни бир овоздан мактаб бошланғич касаба уюшма кўмитасига раис этиб сайлашди.

Асл гавҳар ерда қолмайди

Раис ҳамкасблари ишончини, зиммасига юклатилган етакчилик масъулиятини катта вазифа деб билди. Мактаб директори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Рамазон Абдуллаев ҳамда меҳнат жамоаси билан ҳамкорликда ходимлар манфаатларини ҳимоялаш, таълим-тарбияни йўлга қўйиш, турли маънавий-маърифий тадбирлар ва спорт-соғломлаштириш масалаларини қамраб олган муҳим ҳужжат — жамоа шартномасини қайта кўриб чиқди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Курултойида белгиланган вазифалар, айниқса, бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада кучайтириш етакчининг энг муҳим дастуруламалига айланди.

Касабақўм ташаббуси билан 1 гектар майдонда 1300 тупдан ортиқ мевали дарахт кўчати ўтказилиб, янги боғ ташкил этилди. Унга «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги» номи берилди. Боғ иккита янги иш ўрни яратилишига замин бўлди. Энг муҳими, бу боғ ўқитувчилар учун дам олиш, меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш ҳамда ўқувчиларнинг табиий фанлардан олган билимларини мустақкам-

лаш учун ўқув-тажриба участкаси вазифасини ҳам бажаради.

Касаба уюшма етакчиси А.Норқобилованинг саъй-ҳаракати билан ҳукуматимизнинг Бандлик дастури ижросини таъминлаш мақсадида, маъмурият билан келишган ҳолда мактабда дурадгорлик устахонаси, чорвачилик ёрдамчи хўжалиги ташкил этилиб, 4 нафар қишлоқ аҳолисининг бандлиги таъминланди. Йил якунига қадар бичиш-тикиш цехи очилиб, яна 6 та янги иш ўрни барпо этилади.

Ўқитувчиларнинг меҳнат шaroитини яхшилаш, ўқувчиларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, қолаверса, таълим-тарбия ишларини янада яхшилаш мақсадида касабақўм етакчиси ташаббуси ва меҳнат жамоасининг қўллаб-қувватлаши натижасида Ўзбекистон Республикаси мустақил-

лигининг 20 йиллиги тўй арафасида мактабнинг 48 ўринли кўшимча биноси ҳашар йўли билан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бунга Гуматак қишлоғи аҳли, мактаб жамоаси томонидан 36 млн. сўм маблағ сарфланди. Синфхоналар замонавий стол-стул, доска ва кўрғазмали ўқув-қуроллари билан жиҳозланди.

Кам таъминланган ўқитувчи ва ходимларни ижтимоий ҳимоялаш касаба уюшмасининг хайрли ишларидан ҳисобланади. Ушбу мақсад учун сарфланаётган маблағ мактабда ташкил этилган тадбиркорлик ишлари ва бюджетдан ташқари ишлаб топилган даромаддан олинади. Ўтган йилда 6,5 млн. сўм, бу йил эса 10 млн. сўмдан ортиқ маблағларни ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларга, кам таъминланган оила фарзандлари ҳамда Гуматак қиш-

логининг Эшқувват Омонов, Менглихол Абраева, Анор Бомуродова, Аннасулов Норқобилова сингари юз ёшдан ошган уруш ва меҳнат фахрийлари, Хурсанд Норбўтаев, Норгул Назарова, Эргаш Эшмирзаев каби фахрий ўқитувчиларига байрам совғалари сифатида сарфланди. Кам таъминланган оила фарзандларига дарсликлар, ўқув қуроллари, кийим-кечак олиб бериш йўлга қўйилди. 12 нафар аълочи ўқувчига стипендия тайинланди. 14 нафар ўқитувчи Бухоро ва Хива шаҳарларига бепул саёҳатга олиб борилди.

— Термиз Давлат университетининг филология факультетини тугатиб, ҳеч иккиланмай кадрдон қишлоғимдаги мактабга келдим. Мендек ёш ўқитувчиларга бу ерда талаб катта эди. Мактаб — ҳаётим, ўқувчиларим умрим мазмунига айланди. Қолаверса, умримнинг энг гўзал онлари ка-

саба уюшмасидаги фаолиятим билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, меҳнати муҳофазаланган, соғлом ўқитувчигина шогирдларига рисоладагидек таълим-тарбия бера олади. Шу боис ходимлар саломатлиги, оиласи, фарзандлари ҳақида ғамхўрлик қилиш эзгу мақсадимга айланган. Мактаб маъмурияти билан бошланғич кўмитамиз ижтимоий шериклик асосида ҳамкорлик қилиб, ҳар бир ходимга кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамни 247 минг сўмга оширди, — дейди Бойсун туманидаги 53-мактаб бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Аширгул Норқобилова. — Меҳнатларимиз юзага чиқаётганидан хурсандман. «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўриктанловининг республика босқичида иштирок этиб, фахрли II ўринни қўлга киритдик. Федерация кенгашининг дипломи ҳамда энг сўнгги русумдаги компьютер жамланмаси билан мукофотландик. Бундай эътибор ва эътирофдан руҳланиб, мактаб маъмурияти билан ҳамкорликда касаба уюшмаси фаолиятини янада кучайтириш учун 11 та устувор йўналишнинг амалга ошириш, ижтимоий-шериклик асосида бир қатор ишларни бажаришни режалаштирдик.

Ёш ва ташаббускор етакчи инсонга наф келтиришни олий бахт, деб ҳисоблайди. Ана шу ҳикматга амал қилиб, ҳар куни бир эзгу иш қилишга интилади.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

ишчи-хизматчиларни излаб топишда ва уларнинг фаолиятини тўғри ва адолатли баҳолашда Суюн Бекназаровнинг алоҳида хизмати борлигини таъкидлаш керак.

Суюн ака белгиланган қишлоқлар ва хўжаликларга, корхона, ташкилот ва муассасаларга, албатта, борар, ўтказилиши режалаштирилган тадбирларнинг тўлалигича бажарилишини таъминлаш учун барча чорани кўрарди. Баъзан касаба уюшма кўмитаси раисининг ўрни, обрўси

раб туради, — дейди С. Бекназаров. — Бунинг биринчи сабаби, раҳбарнинг касаба уюшма кўмитаси ишининг мазмунини, ходимлар учун фойдали жиҳатларини етарли даражада тушуниб етмаслиги бўлса, иккинчи сабаб касабақўм раисининг ўз фаолиятини тўғри йўлга қўймаганлиги, касаба уюшмалари ҳақидаги сиёсатнинг моҳиятини тўлалигича англаб ололмаганлиги натижасидир.

80-йилларда бир муддат «Ўзгло-

СОҶИШ

бўлмаган жойларда иш қолиб кетди, деган баҳонада ўтказилиши лозим бўлган тадбирларнинг иш берувчи томонидан бекор қилиниши ҳолатлари ҳам содир бўлиб турарди.

Ана шундай ҳолатларда Суюн Бекназаров масалани туман раҳбари даражасида ҳал этар, иш берувчи ўзига хос усулда «сабоқ» олар, субутсиз касабақўм раисларининг фаолиятсизлиги, ярамас иш услубини эса вилоят кенгаши раёсат йиғилишларигача кўтариб чиқарди.

— Корхона, ташкилот, муассаса раҳбарларининг касабақўм фаолиятига иккинчи даражали иш сифатида муносабатда бўлиши, касаба уюшма етакчиси кучидан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари ҳамиша бўлган ва ҳозир ҳам уч-

довошвинпром» уюшмасининг вилоят ташкилотида касаба уюшма кўмитаси раиси бўлиб ишлаганман. Ташкилот бошлиғи раҳматли Ваҳоб Бердиев вилоятда таникли, ишбилармон раҳбарлардан эди. Лекин шунча йилдан сўнг рўй-рост айтишим керак, у киши касаба уюшмаларининг вазифаларини, фаолият йўналишларини, иш берувчи билан тенг шерикчилик асосида ишлашдан беҳабар экан.

Иш бошлаган дастлабки пайтларимизда топшириқларини бажариб юрдим, бироқ санаторий йўлланмасини унга бер, бунга бер деган кўрсатма бўлавергач, даволанишга борадиган кишиларнинг касаба уюшмаси номига ариза билан мурожаат этишлари кераклигини тушун-

тирдим. Ўшандан сўнг ўртамиздаги вазият биров кескинлашгандек бўлди.

Орадан кўп ўтмай қабулида бўлиб, бошқарма ташкилотлари ходимларининг вилоят спартакиада-сини ўтказиш режалаштирилганлигини айтиб, тадбир-режани кўрсатдим ва фалон куни хўжалик раисларини таклиф қилишга кўмаклашишини ва ташкилий йиғилишда иштирок этишини сўрадим. Бошлиқ биров тутатди, иш кўплигини айтиб, эътироз билдирди, йиғилишни ҳам, спартакиадани ҳам қолдиришимни сўради.

Мен бу тадбир Тошкентдаги юқори ташкилот томонидан режалаштирилганлигини, қолдириш мумкин эмаслигини айтдим, хайрлашиб, кабинетни тарк этдим. Иккинчи куни Ваҳоб ака ўйлаб кўрган бўлса керак, куйи бўғиндаги раҳбарларни ва касабақўм раисларини таклиф қилиш юзасидан топшириқ берди. Йиғилишда мен масаланинг моҳиятини атрофлича тушунтиришга ҳаракат қилдим, жойлардаги касаба уюшма кўмиталари раислари тайёргарлик юзасидан ҳисобот беришди. Хўжалик раҳбарларининг вазифалари белгиланди.

Йиғилишдан сўнг бошлиқ мени кабинетига таклиф этиб, қандай ёрдам керак бўлса, кириб айтишимни, спартакиадани юқори савияда ўтказишимиз лозимлигини таъкидлади. Мен раҳбаримизнинг тантилигидан, масалани тўғри тушуниб, оқилона хулоса қилганидан жуда хурсанд бўлдим. Раҳбар билан ҳамжиҳат, тенг асосда ишлаш, бошқача


қилиб айтганда, ҳар бир касабақўм раиси ижтимоий шериклик тамойилини пухта ўрганган бўлиши, касаба уюшмаларининг ҳаракат йўналишларини билиши керак.

Агар раис ўзининг ҳақ-ҳуқуқини яхши билмаса, ташкилотнинг жамоадаги мавқеи, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш ҳам шунга яраша бўлади. Шу боисдан барча бўғиндаги касаба уюшма ташкилотларининг тақдири биринчи навбатда кадрларга, уларнинг салоҳиятига боғлиқ.

Суюн Бекназаров касаба уюшмалари соҳасида қирқ йилга яқин меҳнат қилди. Ўтган давр мобайнида одамларга яхшилик қилишга интилди, вилоятда соғломлаштириш тизимини шакллантиришга, аҳолига маданий хизматни йўлга қўйишга, қисқа қилиб айтганда, касаба уюшмалари фаолият йўналишларини ривожлантиришга ҳисса қўшди. Унинг соҳа тараққиётига қўшган хизматлари муносиб баҳоланиб, касаба уюшмаларининг «Эҳтиром нишони» билан тақдирланди.

Бир кўришда ўта жиддий, ўзини сипо тутадиган, ўзига бино қўйгандек кўринадиган Суюн Бекназаров билан ҳамсуҳбат бўлиш жуда мароқли. У кишининг узоқ йиллик иш жараёнида кўрган-кечирганлари ҳақидаги ҳикояларидан ўзингиз учун фойдали сабоқ оласиз. Касаба уюшмалари ҳаётига, тарихига оид сизни қизиқтирган саволларга Суюн ака бажонидил жавоб беришга ҳаракат қилади.

Исмаи ОЧИЛОВ



Доимий назорат

Чакана савдода пластик карточкалардан фойдаланишнинг йўлга қўйилиши мамлакатимизда солиқ тизими самардорлигини ошириш, пул инфляциясининг олдини олиш, аҳоли даромадларини беҳатар сақлашида катта аҳамият касб этмоқда. Инспекциямиз ходимлари туман ҳудудида савдо ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларда савдо терминаллари ўрнатилганлигини назорат қилиш юзасидан қатор ишларни амалга оширди.

Жумладан, 106 та субъектдан 88 тасида терминаллар ўрнатилишига эришилди. 5 та овқатланиш корхонасининг 4 таси, 11 та до-рихона, 23 та якка тадбиркорлик субъектида пластик карточкалар орқали аҳолига беминнат хизмат кўрсатилмоқда.

Терминаллар орқали савдо қилаётган тадбиркор ва хўжалик юритувчи субъектлар до-имо назорат қилиб борилади. Сотувчилар то-монидан савдо қоидаларига риоя қилиниши юзасидан огоҳлантириш ва тушунтириш иш-лари олиб борилмоқда. Савдо қоидаларини бузган тадбиркорларга қонунда кўзда тутил-ган тартибда чоралар кўрилаяпти.

Қодирали МИРЗАЕВ,
Бўз туман солиқ инспекцияси нозир

Қарор ва ижро

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб таш-лаш тартибини такомиллаштириш тўғри-сида»ги қарорига мувофиқ тасдиқланган Низомда давлат солиқ хизмати органла-ри зиммасига қатор вазифалар юклан-ган. Ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслардан олиб қўйилган ва давлат даромадига ўтказил-ган мол-мулкларни сотишдан тушган маблағларнинг давлат даромадига тўлиқ ва ўз вақтида тушишини назорат қилиб бориш шулар жумласидан.

Тошкент шаҳар Миробод тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан бу йўналишда қатор ишлар амалга оширилмоқ-да. Жумладан, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларида 43,6 миллион сўмлик товар мод-дий бойликлари суд қарори билан давлат ҳисобига мусодара қилинган. Уларнинг 39,7 миллион сўмлиги сотилиб, тушган пул маб-лағларини тегишлича тақсимлаш натижаси-да давлат бюджетига 29 миллион сўм маб-лағ тушиши таъминланди.

Давлат даромадига ўтказилган мол-мулк-ларнинг қарор талаблари асосида савдо таш-килотлари томонидан қабул қилиб олинishi, уларнинг сақлаши ва мол-мулкни сотиш-дан тушган тушумнинг давлат бюджетига вақтида ўтказилиши ҳамда қолдиқ ТМБлар-нинг ҳисобини юритиш устидан назоратни тўлақонли олиб бориш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган махсус дастурий таъминотдан унумли фойдаланилмоқда.

Э. ГУСЕЙНОВ,
Миробод тумани ДСИ бошлиғи ўринбосари



Хисобчининг айби билан бизга ортиқча иш ҳақи тўлаб юборилган. Уни қай-тариб тўлаймизми?

И. НОРМАНОВ, Гурлан тумани

Меҳнат кодексининг 164-моддасига му-вофиқ, умумий қоидага кўра, ортиқча тўлаб юборилган ҳақ ходимнинг ёзма розилиги билан, бундай розилик бўлмаган тақдир-да эса, суднинг қарорига асосан меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин.

Бироқ қуйидаги ҳолларда ортиқча тўлов ходимнинг розилигидан қатъи назар, меҳ-нат ҳақидан ушлаб қолинади:

1) Ўзбекистон Республикасида белги-ланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш учун;

2) суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш учун;

3) иш ҳақи ҳисобига берилган авансни ушлаб қолиш учун, хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёки бошқа жойда-ги ишга ўтганлиги муносабати билан берилган бўлиб, сарф қилинмай қол-ган ва ўз вақтида қайтарилмаган авансни ушлаб қолиш ҳамда ҳисоб-китобдаги хатолар натижасида ортиқ-ча тўланган суммани қайтариб олиш учун. Бундай ҳолларда иш берувчи авансни қайтариш ёки қарзни тўлаш учун белгиланган муддат тамом бўлган кундан ёхуд ҳақ тўлаш нотўғри ҳисоб-лаб чиқарилган кундан бошлаб бир ой-дан кечиктирмасдан аванс ёки қарзни ушлаб қолиш ҳақида фармойиш бе-

ришга ҳақлидир. Агар бу муддат ўтиб кет-ган бўлса ёки ходим хўжалик эҳтиёжлари-га, хизмат сафарларига ёхуд бошқа жойда-ги ишга ўтганлиги муносабати билан бе-рилган авансини ушлаб қолинишини асос-сиз ёки миқдорини нотўғри деб ҳисобласа, у ҳолда қарз суд тартибида ундирилади;

4) ҳисобидан ходим таътил олиб бўлган иш йили тугамасдан туриб меҳнат шартно-маси бекор қилинганда, таътилни ишлан-маган даврга тегишли кунлари учун. Ана шу кунлар учун ҳақ меҳнат шартномаси ушбу кодекснинг 89-моддаси, тўртинчи қисмида, 100-моддаси иккинчи қисмининг 1 ва 2-бандларида, 106-моддасининг 1 ва 2-банд-ларида кўрсатилган асосларга кўра, шунингдек, ўқишга кирганлиги ёки пенсия-га чиққанлиги муносабати билан бекор қилинганда, ушлаб қолинмайди;

5) ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш учун, агар етказил-ган зарарнинг миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаса;

6) ушбу кодекснинг 181-моддаси бирин-чи қисмининг 2-бандида назарда тутилган жаримани ундириш учун.

Иш ҳақини ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий миқдори хо-димга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг эл-лик фоизидан ортиб кетмаслиги лозим.



«Хайфсан» интизомий жазоси меҳ-нат дафтарчасига киритиладими?

Н. НАБИЕВА,
Пастдарғом тумани

«Меҳнат дафтар-чаларини юритиш тартиби тўғриси-да»ги йўриқномага мувофиқ меҳнат дафтарчаларига интизомий жазолар тўғрисидаги маълум-лотлар ёзилмайди.

Ўзбекистон Рес-публикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти

тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддасига кўра, охириги иш жой-идан қатъи назар, қуйидагилар ушбу қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

а) ер ости ишларида, меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар (2-сонли рўйхат, I қисм):

эркаклар — иш стажы камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

аёллар — иш стажы камида 15 йил бўлиб, бундан камида 7 йилу 6 ойи кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда.

Ер ости ишларидаги меҳнат стажы эркакларда 10 йилдан кам ва аёлларда 7 йилу 6 ойдан кам бўлган ҳолларда ходим-ларга бу ишлардаги ҳар бир тўлиқ йил учун ушбу қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши 1 йилга қисқарти-рилади.

Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда (эркак-лар камида 5 йил, аёллар камида 3 йил 9 ой) ишлаган ходим-ларга пенсия ушбу қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши шундай ишда банд бўлинган ҳар бир тўлиқ йил учун 1 йилга қисқартирилган ҳолда тайинланади;

б) цирклар ва концерт ташкилотлари артистларининг айрим тоифалари ижодий ишдаги стажы камида 20 йил бўлган тақ-дирда (2-сонли рўйхат, II қисм).

2-сонли рўйхат бўйича хўжаликда ишлаганларга бундай им-тиёзлар кўзда тутилмаган.



Энтомолог агроном бўлган-лигим учун зарарли химикат-лар билан ишлаганман. Шу-нинг учун 50 ёшдан пенсияга чиқа оламанми?

М. ДАУЛЕТМУРАДОВ,
Қонликўл тумани



Таътиллار учун ҳақ тўлаш тар-тибини тушунтирсангиз.


Н. САЪДУЛЛАЕВА,
Сирдарё тумани

Меҳнат кодексининг 148-моддасига кўра йиллик таътиллار даври учун хо-димга ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш кафолатланади.

Таътил учун ҳақ тўлаш жамоа шарт-номасида белгиланган муддатларда, лекин таътил бошланмасидан олдинги охириги иш кунидан кечикмай амалга оширилади.

Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чи-қариш тартибига кўра таътиллار вақти-га ҳақ тўлаш, ишдан бўшатиш нафақаси-ни, ишсизлик нафақасини тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи биринчи йил иш-ловчиларга ҳисоблаб чиқариш кунидаги тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан келиб чиқ-қан ҳолда уларни ўн иккидан бирга (олти ой тўлиқ ишлаганларга олтидан бирга; етти ой тўлиқ ишлаганларга еттидан бир-га ва ҳоказолар), ўрта махсус ва хунар-техника ўқув юртлари ўқитувчилари учун ҳисоблаш даврида тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим мао-шидан ошган суммани ўндан бирга оширган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Уларга ишбай асосида ишлаб топилган кўшимча иш ҳақи, мукофотлар, кўшимча тўловлар, иш ҳақи кўшимча ҳақлар ва ижтимоий сугурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган бошқа тўловлар киради.

Бизга жавоб беришди



Мухлисларимиз томонидан таҳририятга йўлланган шикоят ва ари-залар, турли ҳуқуқий мавзудаги саволлар доимо диққат марказимиз-да. Шикоят ва аризалар мутахассислар, тегишли идоралар ходимла-ри иштирокида ёки бевосита мухбирларимиз томонидан ўрганилиб, қонун доирасида ҳал этилмоқда.

Фуқаро М. Хидировнинг «Шўр-читумангаз» филиали ходимлари-нинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳақидаги аризаси Сурхондарё ви-лоят прокуратурасига аниқлик ки-ритиш мақсадида жўнатилган эди. Шикоят прокуратура ходимлари томонидан ўрганиб чиқилиб, фи-лиал назоратчиси М. Чўтбоева то-монидан М. Хидировнинг газ тар-моғига ҳисоблагичсиз ўзбошимча-лик билан уланиб, давлатга 277104 сўм зарар етказганлиги ҳақида далолатнома асоссиз ту-зилгани аниқланиб, унга ҳисоблан-ган қарздорлик олиб ташланди.

Шунингдек, фуқаро Ў. Бойзо-қов ва бошқаларнинг Зафаробод туман Халқ таълими бўлимига қарашли 9-умумтаълим мактаби директори Х. Избосаровнинг ҳаракатларидан норози бўлиб таҳририятимизга йўллаган шико-яти ҳам туман прокуратураси хо-димлари томонидан ўрганиб чи-қилди.

Прокуратура ходимлари таҳ-ририятимизга, мактаб директори Х. Избосаровнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари бўлмаганли-ги сабабли жиноий иш қўзғатиш рад қилиниб, Маъмурий жавоб-

гарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси билан иш қўзғатил-ганлигини, аниқланган қонунбу-зилиш ҳолатлари ва уларни кел-тириб чиқараётган шарт-шароит-ларни бартараф этиш тўғрисида вилоят Халқ таълими бошқарма-сига тақдимнома киритилганли-ги, тақдимнома бошқарманинг умумий йиғилишида муҳокама қилиниб, 2011 йил 26 августдан Х. Избосаров билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлигини маълум қилди.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Ягона тартиб

барчага тааллуқли бўлиши зарур

Қаерда бошланғич ташкилотнинг жанговарлиги юқори бўлса, ўша ерда меҳнат муҳофазаси кучли бўлади. Кейинги вақтда бу касаба уюшма ташкилотлари фаолияти учун аксиомага айланди, десак янглишмаган бўламиз. Ушбу вазифанинг ўта долзарблиги ҳисобга олиниб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойида меҳнат муҳофазасини жойларда янада кучайтириш масаласи қайта-қайта таъкидланди. Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг навбатдаги III пленумида ҳам бу масала атрофлича кўриб чиқилди.

Касаба уюшма мутахассислари жорий йилнинг 6 ойи давомида 214 та корхона ҳамда ташкилотларда касаба уюшма кўмиталари бу ишга қай даражада ёндашаётганликларини ўрганиб чиқишди. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунлар, қоида ва меъёрларнинг 1 минг 397 та бузилиш ҳолатлари аниқланди ва уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилди. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси юзасидан 942 та корхонада уч погонали маъмурий-жамоат назорати йўлга қўйилди. Амал қилаётган жамоа шартномалари орқали 4 минг 963 та тадбир амалга оширилиб, уларнинг бажарилиши учун 2 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Шаҳар касаба уюш-

ма органлари томонидан корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда меҳнат муҳофазаси юзасидан олинган мажбуриятларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назорати кучайтирилди.

Бу йўналишдаги фаолиятни янада кучайтириш, ҳудудий бирлашмалар ҳамда тармоқ касаба уюшмаларининг ўзаро ҳамкорликларини йўлга қўйиш, уларнинг тузилмалари ҳамда штат бирликларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг қарори тасдиқланди. Ушбу ҳужжатга асосан тармоқ касаба уюшма ташкилотларининг юридик, меҳнат муҳофазаси, маданий-маърифий ва спорт ишлари бўйича фаолиятларини такомиллаштириш мақсадида бирлашма кенгашла-

рига мазкур мутахассисликлар бўйича қўшимча штат бирликлари киритилди.


Лекин иш жойларини шаходатлаш борасида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Ишчи-хизматчиларни махсус кийим-бош, пойабзал, шахсий химоя воситалари билан таъминлаш борасида узилишлар рўй бермоқда. Инсон саломатлиги учун зарарли шароитда ишловчиларни сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат хавфсизлиги юзасидан ўқувлар ташкил этиш, ишга тушишлари олди-дан йўл-йўриқлар бериш борасида ҳам камчиликлар мавжуд.

Меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан жамоа шартномаларига киритилган бандлар тўла бажарилмаяпти. Баъзи бошланғич ташкилот етакчи-

лари иш берувчилар олдида талабни узил-кесил қўя олмаётдилар. Шу боисдан бўлса керак, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ҳамон учраб турибди.

Пленумда меҳнат муҳофазаси масаласини тўғри баҳолаш, хўжалик раҳбарлари ва назорат органлари билан ҳамкорликда иш шароитларини яхшилаш, уларнинг соғлом ва хавфсиз бўлишига асосий эътиборни қаратиш бўйича барча ташкилотлар ўз фаолиятларида кескин бурилиш ясашлари зарурлиги таъкидланди.

— Баъзи жойларда меҳнат муҳофазаси юзасидан олиб борилаётган ишлар кутилган натижасини бермаяпти, — деди шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раиси Нурилла Насимов. — Бахтга қарши айрим корхона ва ташкилот раҳбарлари молиявий қийинчиликларни рўқач қилиб, меҳнат муҳофазаси масаласига етарли даражада аҳамият бермаяптилар ёки



кейинга суриб қўйишяпти. Бошланғич ташкилот етакчилари айнан шу масалада ўзларининг қатъийликлари кўрсатишлари зарур.

Кўрилган масала юзасидан «Ўзметмашасаноат» касаба уюшма кўмиталари раисларининг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Шоикром Исроилов, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кенгаши раиси Ноила Умарова, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кенгаши раиси Озода Каримова, Соғлиқни сақлаш ходимлари шаҳар кенгаши раиси Гаъфар Исомова ва бошқалар сўзга чиқиб ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шунингдек, пленумда бир қатор ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Кундалик ҳаётда барчамиз истеъмолчимиз. Шундай экан, бу борадаги ҳуқуқимизни билиш ва ўрни келганда химоя қилиш жуда муҳим. Ўзбекистон миллий матбуот марказида бўлиб ўтган Истеъмолчи ҳуқуқларини химоя қилиш жамиятлари Федерациясининг «Истеъмолчи ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий билим ва истеъмол маданиятини оширишга доир амалга оширилган ишлар ҳамда эришилган натижалар сарҳисоби»да ана шу масалалар муҳокама этилди.

Ҳуқуқий билим ва истеъмол маданияти

Унда Федерация раиси Ақром Миразиев ҳамда раис ўринбосари Акмал Эргашев соҳада олиб борилаётган ишларга атрофлича тўхталишди. Айтиш жоизки, бугун юртимизда фаолият юритаётган 5100 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар ичида Истеъмолчи ҳуқуқларини химоя қилиш жамиятлари Федерацияси истеъмолчи ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий билим ва истеъмол маданиятини ошириш, соҳага доир қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш билан шуғулланиб келади.

— Бу вазифаларни адо этиш учун оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорликда иш олиб борамиз, — дейди Федерация раиси А.Миразиев. — Шу билан бирга, доимий равишда ўқув семинар ва давра суҳбатлари ўтказиб, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошироқдамиз. Эндилликда улар ҳақ-ҳуқуқини англаган ҳолда талаб қилиш, бузилганда эса қандай йўл тутиш, қаерга мурожаат этишни билишади.

Рақамларга мурожаат этсак, жорий йилнинг ўтган даврида истеъмолчилардан келиб тушган 7293 та шикоят ва аризонинг 94,6 фоизи ижобий ҳал этилишига эришилган. Умуман, Федерация савдо-сотик, коммунал, почта-алоқа, жамоат транспорти ва бошқа хизмат турлари бўйича муаммоларни ўрганиб, юртдошларимизга яқиндан кўмак бераётир. Дейлик, севимли хонандангизнинг концерт дастурига чипта сотиб олдингиз. Хонанда эса фонограммада куйлади. Бундан кўра дискини олсам ҳам бўларди, жонли ижронинг тинглаш учун келгандим, дея норози бўласиз. Ҳудуд электр тармоғида ортиқ-

ча кучланиш рўй бериб, уйингиздаги ҳисоблагич яроқсиз ҳолга келди. Бунда сизни жавобгар ҳисоблаб, харажатларни қоплашингизни сўрашди. Шу каби истеъмолчи ҳуқуқлари бузилган юзлаб фуқароларнинг Федерацияга мурожаат қилаётгани аҳолининг ташкилотга нисбатан ишончи ортаётганидан далолат. Истеъмолчи ҳуқуқларини химоя қилиш янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Адолат» социал-демократик партияси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

— Соҳамизда муаммолар ҳам йўқ эмас. Улардан бири айнан истеъмолчи ҳуқуқларини химоя қилувчи мутахассислар тайёрланмаслиги ва йўналишдаги кадрлар тақчиллигидир, — дейди Федерация раиси ўринбосари А.Эргашев. — Шу сабаб, Федерация ташаббуси билан 2009 йилдан бошлаб академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқув дастурларига Истеъмолчи ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўрганиш бўйича махсус курслар киритилди. Шунингдек, хорижий ҳамкасблар билан тажриба алмашиб турамыз, ходимларимиз эса чет давлатларда малака ошириб қайтишмоқда.

Баҳс-мунозарага бой ўтган анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Шоҳсанам НИЁЗОВА
ЎзДЖТУ талабаси

«Терминал нега ишламаяпти...?»

Афсуски, баъзида шу саволни беришга тўғри келяпти...



Яқинда Асака туманига йўлимиз тушди. Тушлик пайти катта йўл ёқасида жойлашган пештоққа «кафе» деб ёзиб қўйилган ошхоналардан бирига кирдик. Тўғриси, ошхона шинам, овқатлари жуда мазали экан. Шу боис хўрандалар кўп.

Овқатланиб бўлгач, ҳақини пластик карточкадан тўлашимизни айтдик. Аммо официант «Биз янги очилганимиз, ҳали терминалимиз йўқ», дея жавоб берди. «Бу қанақаси бўлди, энди», деб ўйланиб турганимизда ошхона эгаси ёнимизга келди. У ҳақиқатан кафе яқинда ишга туширилгани, ҳозир терминал масаласи ҳал қилинаётганини айтди. Масалага аниқлик киритиш мақсадида ўзини Асака туман давлат солиқ инспекцияси бошлигининг ўринбосари деб таништирган Акмал Абдуллаевдан изоҳ сўрадик.

— Ошхона ишга тушганига уч кун бўлди. Ҳали бу ерга терминал ўрнатиб улгурганимиз йўқ, — дея бизга туманда савдо фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар ва фирмалар рўйхатини тутди у.

Маълум бўлишича, туманда 502 та савдо фаолияти билан шуғулланувчи субъект бўлиб, 448 тасида терминаллар ўрнатилган. Биз фаолиятини ўрганишга киришган овқатланиш шохобчаси терминаллар билан таъминланган шохобчалар рўйхатида йўқ экан.

— Бугун-эрта терминални ишга туширамиз, — деди ошхона бошлиғи. — Бу ўзимиз учун ҳам фойдали бўлади.

Аммо банкдагилар терминал беришга шошилмаяпти.

— Терминаллар хориждан келтирилгани сабабли, тадбиркорларни терминаллар билан тўлиқ таъминлаш имконияти бўлмапти, — дейди Акмал Абдуллаев. — Ҳозир туманимиздаги 54 та савдо фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорларни терминаллар билан таъминлаш ҳаракатидамыз. Терминал бўла туриб ишлатмаётган тадбиркорлар ҳам учрайди. Жорий йилнинг 1 сентябр ҳолатига 8 та шундай тадбиркор аниқланиб, уларга қонун бўйича тегишли жарималар қўлланилди. Юқоридаги масалалар юзасидан туман банкларига бир неча бор тақдимномалар чиқариб, нусхасини туман пул-кредит комиссиясига маълумот сифатида бердик.


Асака шаҳри — иқтисодий кундан-кун ривожланиб бораётган ҳудудлардан. Шаҳарда йирик ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд бўлиб, ишчи-ходимларнинг ойлик маоши пластик карта орқали тўланмоқда. Аммо пластик карточкаларни ишлатишга келганда, сотувчиларнинг «Терминал тўлиб қолди» ёки «Банкка олиб кетишган» деган баҳоналарни рўқач қилиши кузатилади. Баъзида пластик картага сотилган нарсалар устига фоиз қўшиб ундириш ҳам учрайди.

— Бунга қарши ҳар бир фуқаро талаб ва аризалари билан тегишли идораларга мурожаат этиши мумкин. Акс ҳолда биргина ДСИ ходимларининг кучи билан муаммоларни ҳал қилиб бўлмайди. Фуқароларимиз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиши керак. Солиқ идоралари ва истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш ташкилотларининг «Ишонч» телефонлари ишлаб турибди, — дейди А. Абдуллаев.

Албатта, бу ўринда Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш ташкилотлари фаолиятига ҳам кўп нарса боғлиқ. Аммо фуқароларимиз ҳуқуқини талаб қилишни ўрганмас экан, қаллоб ва фирибгар сотувчиларнинг ошиғи олчи бўлаверади.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Ифтихор



Мустақил юрт фарзандиман

Мустақиллик муносабати билан юртимизда янги қурилишлар, таъмирлаш ишлари авж олган. Айниқса, вилоятимиз маркази Урганч шаҳри таниб бўлмас даражада кўркам ва чиройли шаҳарга айланди. Мен ёзги таътил давомида ҳафтада икки кун вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги Зухра опа Рўзметова раҳбарлигидаги «Иқтидорли ёшлар» клубига қатнадим. Бу ерда ижодкор тенгдошларим билан биргаликда Республикамиз тарихига оид маълумотлар, таълимга оид қонун ва қарорлар, бугунги кунда эришилган ютуқлар, янгиликлар, дунё воқеалари билан танишдик. Асосийси, ёш қаламкаш сифатида публицистика, ҳикоя, мақола ёзиш сирларини ўрганишимиз. Устозимиз машғулот сўнггида бизга топшириқлар беради, биз бу топшириқларни бажариш учун кўп ўқиймиз.

Клубимиз сардори Ирода Собирова Хоразм, Хива тарихини ўрганди. Унинг қадимий ёдгорликлардан бўлмиш Нуруллабой саройи ҳақидаги «Номи сақланиб қолган боғ», Соёт кишлоғидаги «Чодра боғи» номли мақолалари республика матбуотида чоп этилди.

Маҳалламизда ҳар йили Ўзбекистоннинг тарихий жойларига зиёрат уюштирилиб туради. Бувим билан қўшилиб бу саёҳатга ҳам бордим. Бухоро, Навоий, Самарқанд, Тошкент вилоятларида бўлиб, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом ал Бухорий, Регистон, Шоҳи Зинда, Нурота, Занги ота каби зиёратгоҳларни томоша қилдим. Айниқса, улуғ аллома Баҳоуддин Нақшбанднинг нақш устаси эканлиги, шунинг учун нақшбанд номини олганлиги ва шу билан бирга у улуғ кароматгўй инсон бўлганлиги, халқларварлиги, кўпгина кароматлар кўрсатганлиги учун «Балогардон» номини олганлигини турли кишиларнинг ҳикояларидан эшитдим. Унинг шиори «Дил ба ёрудаст ба қор», яъни дилинг Оллоҳда бўлсин, қўлинг ишда дегани ва бу билан авлодларни иймон-этиқодли бўлишга, меҳнатсеварликка чорлаганлигини эшитиб, улуғ алломага янада эътиқодим ошди. Баҳоуддин Нақшбандий тасаввуф назарияси ва амалиётига доир 13 та асар ёзган. «Ҳаётнома», «Далили ошиқон», «Одоб ал — солиҳин» каби асарлари алоҳида аҳамиятга эга. Хожа «Нақшбандия» тариқатига асос солиб, Арабистон, Эрон, Марказий Осиёнинг кўп шаҳарларида тасаввуфни кенг тарғиб қилган.

Мен Мустақил юрт фарзандиман, тинч ва осойишта, гўзал ва бой мамлакат фуқароси бўлганимдан бахтиёрман. Шу билан бирга биз ёшларнинг билим олишимиз, ўқиб-ўрганишимиз учун яратилаётган имкониятлардан мамнунман.

Сарварбек ДЎСТНАЗАРОВ,
Хонқа туманидаги 23-сонли
умумтаълим мактаб
ўқувчиси

Улуғлик сизга ярашгай, устоз!

Тарихий манбаларда ёзилишича, Хусайн Бойқаро Алишер Навоий билан шикордан қайтаётганларида йўлда 9-10 ёшлардаги бола уларга салом берибди. Шоҳ алик олиб ўтиб кетаверибди. Навоий эса дарҳол отдан тушибди-ю бола билан қўшқўллаб кўришиб, қуюқ сўрашибди. Буни кўрган Хусайн Бойқаро ҳайратланибди ва бунинг боисини сўрабди:

— Сиз жаҳонга танилган шоир, боз устига салтанатимиз вазирисиз. Бас, шундай экан, отдан тушиб болакай билан саломлашинингиз шартми?

— Гап болада эмас, — дея кулимсираб жавоб берибди Навоий. — Бу боланинг отаси бир пайтлар мени ўқитган ва саводли қилган эди. Мен унинг олдида ҳамиша қарздорман.

Ҳазрат Алишер Навоий ўзининг «Маҳбуб-ул қулуб» асарида «Шогирд Шайхул ислом ва қозилик даражасига кўтарилганда ҳам устози ундан рози бўлсагина тангри рози бўлади» деб ёзганлар.

Ҳа, шунчалар улуғ ва шунчалар муқаррамдир, устоз!

Кичик одамнинг катта юраги

Кўшироқлар тўйхонани худди кундузгидек ёритган. Атлас кўрпачалар солинган супада беш-олти нафар ёши улуғлар ўтиришибди. Улар орасида одмигина кийинган, жуссаси кичик, камтарин бир киши ҳам бор. Бу одам бир умр мактабда ўқитувчилик қилган, энди эса кексайиб белидан қувват, кўзларидан нур кетган...

Тўйга келаётганларнинг барчаси кўлини кўксига қўйиб қарияларга таъвозе билан салом берар, аксарияти ҳалиги киши олдида келиб меҳр билан кўлини олар ва сўнг «Сизни кўрганимиздан хурсандимиз, устоз, борингизга шукр!» дейишарди.

Бу барваста йигитларнинг қай бири идорада раҳбар, қай бири катта тадбиркор, қай бири эса олим... Уларнинг ҳурмат-эътиборидан устознинг кўнгли ёришди. Аслида булар бир пайтлар унинг ўқувчилари эди-да. Ёдида, у интилувчан болакайларни мактаб янада кўпроқ дарс қилишга илҳомлантирар, ўртачароқ ўқийдиганлар учун кўшимча дарс соатлари белгилар, ёмон баҳо оладиганларни қаттиқ койир ва бу фойда бермас, ота-оналарини мактабга чақиртирарди. Нима қилиб бўлса-да синфда ўзлаштиришни яхшилашга ҳаракат қиларди. Бунга эришиш осон бўлмади. Айрим ўқувчиларининг дўқ-пўписасини ҳам эшитди, унга ғазаб билан қараганларида дош берди. Қай бирлари дарс ўртасида шартта ўрнидан туриб, эшикдан чиқиб кетаётди «сизнинг синфингизда энди ўқимайман» деганларида индамади, ҳаммасини ичга ютди. Кейинчалик ўқувчиларининг оиласидагилар билан очик-ойдин муносабат ўрнатди, ота-оналарни бола хулқи ва ўқишига жиддий эътибор беришга ундади, ундайверди!

Мана, ҳаракатлари зое кетмабди. Қолаверса, собиқ ўқувчилари устози тўғри йўл тутганини тушуниб етишибди. Ҳозир уларнинг ҳар бирига термулганча ич-ичдан суюниб ўтираркан, устознинг белига қувват, кўзларига нур қайтгандек бўлди.

Умрнинг давоми

Отам Карим Жамилов ҳаётининг қирқ йилини педагогика бағишлаган, ўзлари ҳам хуштабиат инсон эди. Самарқандга борган чоғларимда ота-онам ёнида бироз ўтириб суҳбатлашгач, сўнг адоқсиз йўқловлару қон-қариндошларнинг тўймаъракалари билан банд бўлиб қолардим.

Икки йил аввал отам узоқ йиллар ишлаган мактабда у кишини хотирлаш маросими ўтказилди. Бордим. Маросимдан сўнг дарс ўтиладиган синфга кирдик. Ўқитувчи даставвал

болаларни саволга тутди:

- Илм нима?
- Илм ҳаёт, эзгулик, бахту саодат!
- Мақсадингиз қандай?
- Чуқур билим олиб, Ватан хизматида бўлиш!
- Нимани ҳис этасиз?
- Олдинда келажак бизни кутаяпти!

Мактаб директори болаларни ўтиришга ундаб, менга деди:

— Устозимиз дарс бошлашдан олдин ҳамиша болаларга шунга ўхшаш саволлар берарди. Бизнингча ҳам бундай қисқа суҳбатлар ўқувчи қалбидаги мақсадларни улғайтириб, унга мактабда ўқиш шунчаки машғулот эмас, балки катта масъулият эканини англайтиб туради. Ҳозирда ҳам устозимизнинг шу аънанасини давом эттираямиз.

Отам ҳақидаги бундай гапларни эшитиб тўлқинланиб кетдим. Юрагимда ўкинчга ўхшаш ҳис пайдо бўлди. Негаки, мен хизмат сафарларида юриб (ҳатто мактабларда бўлиб) кўплаб учрашувларга вақт топганим ҳолда отамнинг педагогик фаолияти билан тузукроқ қизиқмабман. Аслида эса ёш авлод тақдир отам ҳаётининг катта бир бўлагига айланган, шу туфайли бу кун ҳам ишлари мактаб фаолиятида давом этаётган экан. Отамни қайта кашф этгандай бўлдим.

«Инсоннинг ҳаётлик чоғларида эзгу ҳаракатлари кейинчалик унинг иккинчи умрига айланади», деган ҳикматда чуқур маъно борлигини англадим.

Тупроқ ичидаги гавҳар

Донолар айтиб кетишган:
**Хунар ўрган, хунарда кўп сир,
Ёпиқ эшикларни очар бирма-бир!**

Дарҳақиқат шундай, хунар худди тупроқ орасидаги гавҳарга ўхшайди. Бу гавҳарни қидириб топиш учун жуда кўп меҳнату машаққатларни енгиш керак. Охир-оқибат гавҳар қўлга ўтади, сайқалланиб ярқирайди, ҳатто шуъласи юракларни ёрилади.

Янгича давримизда хунар ўрганишга янада кўпроқ эътибор қаратиляпти. Бугунги йигит-қизларнинг турли соҳаларни чуқур ўзлаштиришга ўзларида кучли иштиёқ сезишаётгани ҳам ҳақиқат.

Яқинда Тошкент автомобил ва йўллар касб-хунар коллежида бўлганимда шу нарсага ишонч ҳосил қилдим. Билим даргоҳида уч мингга яқин бола таҳсил олади, дарслар 64 та фан кабинети, ўқув лабораторияси ва устахоналарда олиб борилади. «ЎЗДЕУ авто» ва «СамКочавто» қўшма корхоналарида ишлаб чиқарилган автомобиллар тренажерлари, агрегат ва узеллар қирқимлари ўқувчилар ихтиёрида. Чилангарлик, дастгоҳлик, шунингдек «Нексия», «Тико», «Дамас» автомобилларининг тузилишини ўрганиш учун



компьютер дастурлари яратилган.

— Бир неча хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатганимиз, — дейди коллеж директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Жасур Қулмухамедов. — Билим юртимиз беш йилдирки Европа Иттифоқи Тасис дастурининг «Ўзбекистонда ўқитиш ва таълим соҳасида ижтимоий ҳамкорлик» лойиҳаси аъзосидир. Бир неча йиллар аввал ўзим ҳам Германиянинг Бонн шаҳрида ўтказилган семинарда эксперт сифатида қатнашдим. Хунар масканимизда ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитларга баъзан ҳамкорларимиз ҳам ҳавас қилишади.

Коллеж етакчиларидан бири, юқори малакали педагог Собит Миршаҳўжаев эса шундай дейди:

— Таълим тизимимиз жаҳон андозаларига мос, педагогик жамоа эса катта кучга эга. Ўқитувчилар орасида фан доктори ва фан номзодлари, доцент ва олий тоифа эгалари, ҳукуматимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганлар анчагина. Ёш педагогларга яқиндан устозлик қиламиз. Коллежнинг кўплаб ўқитувчилари Германия институтларида малакаларини ошириб қайтишган. Педагогларимиз томонидан соҳага оид дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этилган, тажрибавий ўқув режалари ва таълим андозалари ишлаб чиқилган. Хуллас, ўқувчиларга касб-хунар сирларини ўргатиш баробарида улар иштирокида йирик тадқиқот ишлари ҳам олиб борилмақда.

Устозлик мақомига эришиш аслида осон кечмайди.

Бунинг учун узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтиш лозим. Оламча сабру қаноат ва бир дунё кийинчиликлар бордир бу йўлда...

Шу боисдан «устоз» сўзини айтганимизда кўнгида чуқур эҳтиром ва қайноқ меҳр ҳислари жўш уради. Қалбимиздаги энг ёруғ, энг ҳароратли ва энг ардоқли туйғулар сизгадир, педагог ва мураббийлар!

Устоз сўзига жо бўлган улуғлик аслида Сизга жуда-жуда ярашгай.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

Фаоллардан бири



Сотим АВАЗ хоразмлик касаба уюшма фаолларидан. У вилоят касаба уюшмалари томонидан ўтказилаётган тадбирларда мунтазам қатнашади. Журналист сифатида уларни кенг ёритиб боради.

1952 йилда Урганч шаҳрида туғилган. 1974 йилда Хоразм Давлат педагогика институтини имтиёзли тамомлаган. «Хоразм ҳақиқати» газетаси бўлим мудирини, вилоят ҳокими матбуот котибинини, «Халқ сўзи» газетаси вилоят мухбири лавозимларида ишлаган. 2001 йилдан «Урганч оқшоми» газетасига муҳаррирлик қилаётган С.Аваз 2008 йилда «Дўстлик» ордени билан тақдирланган.

У 1991 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. «Тонги ҳислар», «Кечиккан баҳор», «Хуқуқ», шеърини китоблари, «Шафоат» девони чоп этилган. «Мадраҳим Шерозий», «Темурғози тўра», «Йиллар ва йўллар» қиссалари «Муруват чоғи» романи муаллифи.

Яқинда Сотим Аваз яна бир янги асар — «Рутба» романини ёзиб тугаллади. Унда илму маърифат тараққиётига бекиёс ҳисса қўшган улуғ аллома, олиму ориф хожа Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёт йўли, тариқати ҳақида ҳикоя қилинади. Куйида ушбу асардан парча ҳавола этилмоқда.

IX БОБ

ДОВУЛ ОЛДИДАН

Султон Санжар элчиларининг ўзи билан учрашмай кетишгани Муҳаммад Арслонхонни дарғазаб қилди. Султон энди мени назарга илмай кўйибди-да, — ўйлади у. — Демак, ҳадемай уруш бошланиши мукяррар. Аммо бир ҳисобдан шундай бўлгани ҳам тузук. Ахир у қандай қилиб шайх ҳазратларига Марвга борақолинг, дея олади. Унда султон Санжар баттар қутирмайдими? Ниҳоят, у яна шайх ҳузурига борди.

Шайх хотиржам ҳолда тасбеҳ айлантириб ўтирарди.

— Ҳазратим, хотиржаму хуррам эмасмен. Тушларимда илон ва чаёнлар билан курашиб чиқаман. Улар мени мутассил таъқиб қилишади. Фақат уйғониб кўзимни очибгина улардан халос бўламан. Кундузлари эса султон Санжар хаёли азоб беради. Ҳақимга дуо қилинг. Шаҳид кетсам ҳам майли. Аммо, элни хору зор кўриш ўлимдан баттар.

— Самарқанддек Тангри

ярлақанган жойни ҳимоя қилишдан ҳам ортиқ шараф борми? Нечун Тангри таоло уни Сиздан бошқага ишониб топширмаган?

Бу савол Муҳаммад Арслонхонни, устидан бир челақ муздек сув кўйилгандек, ҳушёр торттирди. Шайх эса яна савол берди:

— Нечун биз дунё фароғатини кўйиб, Самарқанднинг сағир тошига олмосларни алишмай, кўзимизга унинг чангу губорларини тўтиё қилиб, бунда муқиммиз?

Муҳаммад Арслонхон иккинчи саволдан сўнг танасида ўзгача ҳолат юз берганини ҳис этди. Яъни танасига сепилган муздек сувдан асар ҳам қолмай, аъзойи баданига олов туташди.

— Нечун эл-улус тунлари роҳат уйқусида ёта олур? У кимга ишонур?

Муҳаммад Арслонхон аввалги ҳолатига қайтди. Аммо у илгариги безовта ва хавотирлар дилини кемираётган амирга эмас, балки эзгу амал йўлида ўз раҳнамосини топган йўлбошчига айланди. Бунинг учун шайх уни аввал

муздек сувга, кейин бўйи баробар оловга солди. Сувда ва ўтда тобланган амир учун ваҳима ва хавотир ўз аҳамиятини буткул йўқотди. Шунда у илгари айтолмай юрган, тақдирини ҳал қилувчи саволни беришга журъат топди.

— Аллоҳ биз тарафдами?

— Аллоҳ биз билан.

Муҳаммад Арслонхон шунда ҳам ўзиникидан бир неча баробар катта кўшинга эга султон Санжарга қандай бас кела олишини тасаввур қила олмади. Ёруғлик унга ҳеч бир тарафдан кўринмади.

Шайх амирнинг шубҳа-ю гумонларини пайқади. У ёзув билан тўла бир қоғозни кўлига олиб, амирнинг юзига астагина уриб қўйди. Бор йўғи бир капалак қаноти тегиб кетгандай бўлди. Аммо, амир аста-аста беҳуд бўла бошлади. Йиқилиб тушишига озгина қолганда шайх уни ушлаб қолди. Шайх қаламни кўлига олиб, Муҳаммад Арслонхоннинг бошига билинар билинмас тегизди. У кўзини очиб, астагина хомуза тортиди. Шайх савол берди:

— Ёруғлик кўриндими?

— Кўринди.

— Қайси томондан?

— Жайхун томондан.

— Энди тасаввур қилдингизми?

— Қилдим.

— Қандай тасаввур қилдингиз?

— Сиртлон устига қоплондек ташландим.

— Сиртлон сени маҳв этур.

— Бўлмаса нима қилай?

— Ишонинг

— Кимга?

— Ўзинга ва ўзи юборганга.

Муҳаммад Арслонхон бошини қуйи эгди. У бу ҳикматларнинг мағзини бирдан чақа олмади. Лекин, ори кучлилик қилиб, ҳеч нарса сўрамади. Шайхнинг ўзи айтди.

— Икки қоплон, кўшилишса, шердин ҳам кучлироқ бўлур.

— Ҳазратим илмингиз оҳанрабо мени тобора домига тортмоқда, шафқат қилинг. Султон Санжарга қарши мен билан бирга курашмоққа яна ким қодир?

— Жигарбандлар...

— Оҳ, менинг жигарбандларим. Улар менга ҳозир нақадар зарур. Неча вақтдин

буён уларни изларман, лекин топа олмасман.

— Уни ўзингиздек ёлғиз билурсиз. Ёлғизнинг ёри ким эканини эса унутурсиз.

Муҳаммад Арслонхон ўйланиб қолди. Ниҳоят, унинг хаёллари чарақлаб кетди. Магарам, Хоразмшоҳ бўлмаса, у яна ким бўлур?

— Кутбиддин Муҳаммадми?

Шайх бош иргиди.

Муҳаммад Арслонхон шайхнинг олдида ўз кучига ишониб, енгиллашиб чиқди. У ўзига-ўзи олдинги ҳадик ва хавотирлар қаерга кетди, деб савол берди. У тангрига шукрона айтди. Шафоат ахир шундан зиёд бўлмас.

Муҳаммад Арслонхон кўп ўтмай хоразмшоҳга султон Санжар билан бўладиган жангда мададкорлик сўраб, мактуб ёзди. Азалдан қавму қардош, жигарбанд бўлганликларини таърифлашга энг нозик сўзларни ишлатди. Шайх ҳазратнинг бу борада хайрихоликларини таъқидлашни ҳам унутмади...

Болаликдаги тарбия ҳаётнинг кейинги босқичларида пойдевор вази фасини ўтайди. Айниқса, укажонларимиз, сингилжонларимиз уйнайдиган уйинчоқлар уларнинг дунёқараши ва тасаввур кенгайишида муҳим восита ҳисобланади.

Қай бири маъқул: Лолахонми ё Барби?

Миллий кўғирчоқларимиз: Чаросхон, Лолахонларни кўз олдингизга келтириб кўринг-а! Юзлари анордек қип-қизил, сочларига популар тақилган бу гўзал кўғирчоқ болалик хотираларингизни уйғотиб юборади. У билан «холо-холо», «меҳмон-меҳмон» каби ўйинларни эслаганда, юзингизга беихтиёр табассум югуради. Лекин негадир ҳозирги кунда кичкинтойларимиз кўлида уларни учратишимиз қийин. Аксинча, улар бизга ёт бўлган Барби кўғирчоқлари билан овунишмоқда. Енглари очик, оёқлари жудаям узун, пардозни ҳам маромига етказган бу кўғирчоқ болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатмасмикан?..

Барбда Барби гўзаллик ҳақидаги бўрттирилган замонавий тасаввурлар мажмуаси ҳисобланади. Қани айтинг-чи, ундан бошқа бирор кўғирчоқ ўзининг реал, ҳаётини ўлчамлари билан «мақтана» оладими? Бошқа томондан қараганда, ҳозир эстетик жиҳатдан жозибадор ўйинчоқ ўйнаш имкони борлиги ажойиб. Лекин у бола табиатида худбинлик, манфаатпарастликни пайдо қилиши мумкин. Буни болалар психологлари ҳам кўп таъкидлашган. Шу-

нинг учун Барби кўғирчоқлари ишлаб чиқарувчи компания бир неча бор танқидга учраган. Менталитетимиздан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, Барби либослари очикдан-очик беҳаё фарб кийимларига тарғибот-ташвиқотни билдиради.

Президентимизнинг: «Гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг болалиқда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсгани билан белгиланади», дея узокни кўзлаб айтилган гапи бор. Демак, сохта табассумли гўзал Барби кўғирчоқларини кўлидан кўймай ўйнаб юрадиган кичкинтойларимизнинг онги заҳарланмаслигига ким кафолат беради? Уни ўйновчи қиз қайсар, калондимоғ, манфаатпараст, енгил-елпи йўлни танловчи шахс сифатида улғаяди.

Барбининг тарихига назар ташласак, 50-йилларда сотувга чиқарилиб, барча давлат ва минтақаларга ўзининг «тантанали» юришини бошлаган бўлса, юртимизга 80-йилларнинг охирида «чайқовчилар» саъй-ҳаракати билан кириб келган.

У вақтда эса ёш қизчалар ўзла-



ри латтадан ясаган ўйинчоқлари билан кифояланган.

Ҳозир ҳам кўлда ясалган миллий кўғирчоқларимиз кўп.

Аммо барчаси кўрғазма залларида. Нархи қиммат. Улар сотувга чиқарилса, кичкинтойлар нима яхши-ю, нима ёмонлигини ўзлари ажратиб олишган бўларди. Кўпроқ юзлари ўзларига ўхшаганини танлашарди. Болалар тарбиясига бефарқ бўлмаган ҳар қандай ота-она эса бу борада жиддий эътиборда бўлади. Болаларга танловда кўмаклашади.

Маълумки, мафқуравий кураш ўзининг кам чиқимлилиги ва тез самара бериши билан қулай. Бунда қон тўқилмайди, аммо инсонлар онги бошқарилиб, тобе қилинади. Миссионерлик, шовинизм, оммавий маданият каби иллатларнинг келажак авлодга салбий таъсири барчамизни хавотирга солмоқда. Бунга қарши курашиш эса жамият олдида турган долзарб масала ҳисобланади.

Феруза БОБОХОНОВА

Мактаб формаси

Бугун мактабларда ўғил болалар учун оқ кўйлак, қора костюм-шим, қизлар учун оқ кофта, қора костюм ва юпка кийиш белгилаб қўйилган. Хўш, бу қоидага ҳамма жойда ҳам риоя қилинаётганими?

Албатта, бу борада ибрат бўлаётган мактаблар жуда кўп. Лекин, гуруҳнинг курмаги бўлганидек, қоида бузилаётган ҳолатларга ҳам дуч келиб турибмиз. Тошкент шаҳридаги айрим мактабларга бориб, ўқувчиларнинг кийинишини кўриб хайрон қилдик. Хорижда ишлаб чиқилган қимматбаҳо блузка, кофта, «модний» жинси шимлар, тақинчоқларни гапирмасангиз ҳам бўлади, бунга қўшимча мобил телефонлар.

«Талаб борми, бахарамиз!» деган шiorга риоя қилувчи бизнесменлар, ишбилармонлар жуда чиройли блузка, кўйлакларни тикиб бозорга олиб чиқишмоқда. Уларнинг этикеткалари хилма-хил, аммо мактаб ўқувчисига ҳос эмас, кўпчилиги ялтироқ «кўзни олади». Ушбу маҳсулотларнинг 60-80 фоизини ўзимизнинг кўлигул чеварларимиз тиккани кўришиб турибди, аммо уларнинг аксариятига чет элнинг этикеткалари ёпиштирилган. Шу боис оддий блузканинг нархи жуда баланд, лекин оналар уни олишга мажбур. Бундай ҳолатга Эски Жува бозорида гувоҳ бўлдик.

Назаримда, мактаб ўқувчиларининг формаларини тикадиган давлат назоратидаги алоҳида, фабрикалар ташкил қилиш зарур. Шундагина, фарзандларимизнинг саломатлигига зарар етказмайдиган, ўзимизнинг пахтадан ишлаб чиқилган, миллий кўринишдаги арзон ва сифатли мактаб формалари ишлаб чиқарилаётганими?

Т. ИБРАГИМОВ

Нурота тоғ ёнбағирларида



Халқ ўртасида луқмаи ҳалол дея таъриф олган балиқлар сувости гиёҳлари, ҳашарот ва личинкалар билан озикланиб, биологик хилма-хилликни вужудга келтиради. Бу ноёб мавжудотлар синфи ва тузилиши ҳам хилма-хил. Сезги ва ҳид билиш аъзолари жуда таракқий этган бўлиб, ҳатто об-ҳавонинг ўзгаришини ҳамда турли табиий офатларни олдиндан териси, бурун тешиклари учидан жойлашган кичкина сезги органлари орқали ҳис этади.

Тўданинг кучи — унинг бирлигида. Ҳар бир балиқ барча учун жон куйдиради. Сувости гиёҳлари уларнинг ҳаёт тарзини белгилайди. Бу мавжудотлар нафақат химояланиш, балки кўпайиш учун ҳам тўпланган. Айниқса, баҳор кезлари ой тўлишган тунда гаройиб мавзара вужудга келади. Балиқлар сув юзасига кўтарилган, бир неча гуруҳларга бўлинади. Шунда модалари увилдириқ чиқаришни бошлайди. Нарлари эса уларни уруғлантиради. Насл қолдириш — синов даври. Увилдириқ сочиши иши модаларни батамом холдан тойдиради. Таваракатрофта эса тайёр ўлжага

ишқибоз соқақуш, қорабузов, чорлоқ каби балиқчи қушлар ҳозир нозир. Улар озуқа сероб бўлишига қарамасдан, шовқин солиб жазавага тушишади.

Қушларнинг тўпланишига қараб тўдани аниқлаш мумкин. Тинч оқар зилол сув балиқларнинг яшаши учун жуда қулай. Нар балиқлар ўз худудини химоя қилишга интилади. Насл учун ҳам улар кўпроқ масъул.

Соҳилда ёрқин рангдаги сув ўтлари сероблигидан ҳаёт қайнайди. Сув муттасил ҳаракатланиб туради. Унинг кўтарилиши билан ҳаёт мароми ўзгара бошлайди. Лекин бундай шароитда яшашнинг ўзи бўлмайди. Тонг ёришиши билан соҳилда қушлар шовқинсурони авжга чиқади. Улар ўзига хос ов усулларига эга. Масалан, балиқчи қуш чорлоқ (чайка) егулик топгани ҳамон уни тутиб олади. Қизил тумшуғи эътиборни тортади. Қорабузовнинг ови ҳам осон кечмайди. Бунинг учун зарурий тезлик ва эпчилликка эга бўлмоқ зарур. Сув кўтарилганда, қушлар ови авжга чиқади. Шунда уларнинг ҳамжиҳатликдаги кучи намоён бўлади. Улар моллюска, қисқичбақа, турли ҳашарот ва личинкаларга ҳам бепарво эмас.

Нурота тоғ тизмалари ёнбағирларидаги Тузкон ва Айдар-Арнасой кўлларида юзлаб сув ҳавзалари бўлиб, балиқлар анчайин сероб. Уларни муҳофаза қилиш эса нозирлар зиммасида. Вақти-вақти билан овчилик хўжалиги худудидан текширув олиб борилади. Қирғоқдаги вагон-уйлар сайёҳ ва нозирлар учун бошпана.

— Табиат инсон учун берилган бебаҳо неъмат, — дейди Жиззах вилоят овчилар ва балиқчилар жамияти раиси Маматкул Жуманов. — Шундай экан, атроф-муҳитни, ундаги ноёб мавжудотларни асраш барчамизнинг бурчимиз.

Тузкон Айдар-Арнасой кўлининг бир бўлаги. Кўлдаги сувнинг бир маромда шилдираши дилга ҳаяжон солади. Бу ерда турли балиқлар эркин яшайди. Зоғорабалиқ, оқ амур, лешч, лаққа шулар сирасидандир. Улар ичидан зоғорабалиқ энг кўп тарқалган, деярли барча сув ҳавзаларида учрайди. Сузгич қанотлари тўқ рангда, дум сузгичларида эса қизғиш холлари бўлади. Рангини тез-тез ўзгартириб туради. Уларни қамишзор ва сув секин оқадиган жойларда тутиш осон. Оқ амур — серпушт, ниҳоятда тез ўсади. У ажойиб гўшт бериш билан бирга ариқ — зовурлар-

ни ўсимликлардан тозалашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мақуват думи ва сузгичларига ишонади. Лешч балиғининг кўкрак сузгич қанотлари кулранг, тангачалари танасига зич ёпишган бўлади. Увилдириқларини сувнинг саёз жойларига ташлайди. Қисқа вақтда ёш балиқлар увилдириқни ёриб чиқади. Лаққа балиқлар султони, асосан тунда майда балиқлар билан озикланади. Бўйига чўзиқ, орқа сузгич қанотлари кичкина, оғзи учли. У йирикроқ бўлиб, иштаҳаси ҳам гавдасига мос, еб тўймайди. Илонбош балиқнинг танаси чўзиқ, боши ясси ва ялтироқ, Кўриниши илонга ўхшаб кетади. Кўриш қобилияти суст бўлганлигидан тайёр ўлжани сезмайди, бақа ва сув илонларини еб битириб, хўжаликка катта иқтисодий фойда келтиради.

Айдар-Арнасой кўлида бўлган кунимиз қисқа муддатли ёмғирдан сўнг камалак турфа рангда жилланмоқда эди. Даставвал соҳилга тушмасдан, кўлни айланган чиқишга аҳд қилдик. Чорлоқлар бошимиз узра чарх урар, шовқинсурони олис-олисларгача садо берарди. Ён томондаги қуруқликда уларнинг юзлаб уялари кўзга ташланади.

Балиқ ови ажиб эрмак, нозирлар рухсат берган, ов зўр бўлади деб ўйлаб эдик. Аммо чучварани хом сананган эканмиз, балиқчилардан бири мушқулмизни осон қилди. У бизни яқин атрофдаги кичик ариқ томон бошлади. Ариқни тўсиб турган тўғонда, талай балиқ уриниб ётар, оқим бўйлаб сувга интилар, бироқ тўғон йўлини тўсиб турарди. Бир неча йирик балиқни танлаб олдиқда, қолганини асосий ариққа қўйиб юбордик.

Тузкон ва Айдар-Арнасой кўлларида ўттизга яқин балиқчилик билан шуғулланувчи кичик фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Улар луқмаи ҳалолни кўпайтириб, аҳолини арзон балиқ маҳсулотлари билан таъминлаётди. Равшан Турғунов, Асқар Каримов, Акбар Абдурахманов каби инсонлар етти хазинанинг бири — балиқчилик орқасидан обрў топишмоқда.

Абдулла САИДОВ

Шерали бобо ҳикоялари



Тоғ одамларидан гаройиб воқеалар ҳақида жуда кўп эшитамиз. Бу уларнинг ёввойи табиат оғушида турли ҳодисалар билан юзма-юз ҳаёт кечиршидан бўлса керак. Ҳар бири чўпонлик, овчилик, дурадгорлик, деҳқончилик, темирчилик, боғдорчиликда моҳир бўлишга ҳаракат қилади. Шу боис, болалардек содда туюладиган тоғликлар, аслида, жуда зийрак, уддабурон, мулоҳазали бўлишади.

Икки тоғ туташган жой — Қашқадарёнинг илк ирмоқлари сув оладиган ерларда яшаган Шерали бобо ўзи шохид бўлган куйидаги воқеаларни сўзлаб берди.

Ҳазор аспбанд тарихи ва хосияти

Ривоят қилишларича, ҳазрат Али жанглардан биринда минг суворийдан иборат қўшинидан айрилиб, ёлғиз қолган экан. Шаҳидларни дафн қилиш керак. Бу ёқда эса эгасиз жониворлар — мингта отни эплаш мушкул. Оллоҳнинг мадади билан отларга айланишни буюрибди. Отлар доиравий ҳаракат қилиб, ҳар бири биттадан исирик бутасига ўраниб, боғланиб қолган экан. Бу воқеанинг бўлиб ўтганига астойдил ишонган Шерали бобо исирикнинг мўъжизаси ҳақида шундай дейди:

— Туш пайти. Подани ёйиб ўзимни қўятмош соясига олдим. Шунда ўтирган жойимдан 5-6 қулоқ нарида бир ғўлда (заҳарли ўргимчак) ўзидан бир неча бор йирик бўлган илон билан тўқнашиб қолди. Иккаласи ҳам узоқ олишди. Илон ҳар заҳар солганда ғўлда югуриб ярим кадам масофадаги исирик бутасига ўзини уради. Суйкалиб-суйкалиб яна илонга ташланади. Илон аввалига рақибининг ҳамлаларини бемалол кайтариб турган эди. Лекин унинг заҳрига қарши воситани билмагани учун бўлса керак, ҳаракати аста-секин сусайиб, охири жон берди. Вожаб, исирикнинг илон заҳрига қарши малҳам эканлигини ҳашорат ҳам билар экан!

Кўшнининг ҳақи

Савр ойининг бошлари эди, чамамда. Ойқамар устидаги чашма атрофида ёйилган кўйларни тўдалаб юрган эдим. Не кўз билан кўрайки, бериорқда ғажилган бир кўзичоқ питирлаб ётарди. Бўричалар ўйнашишдан кўринади. Йирик она бўри икки бўрибаччани тишлаб бирини у ёнга, бирини тесқари томонга иргитиб, тумшуғи билан йиқитиб, пийпалаб роса танбех берди. Сўнгра икковини шу яқиндаги инига ҳайдаб киритиб, ўзи кунчиқар томонга югуриб кетди. Тахминан бир соатлардан кейин она бўри худди шу жойга бошқа бир кўзичоқни ортмоқлаб олиб келиб, қўйиб кетди.

Бўрининг мард ҳайвон эканлигига яна бир бор ишондим. Кўшника зийн ётказмаслиқни шу жондордан ўрган-сак арзийди.

Феруза БОБОХОНОВА



Турсунбойни танийсиз. Ҳа, ўша қамашлик ҳажвчи. Асл касби ўқитувчилик. Ҳозир нафақада. Торморқа, молхона ва кура, яна лимонхонаси ҳам бор. Фермерликдан орттиргани яп-янги «Нексия» бўлса, ёзувчиликдан топгани тўрт-бешта китоб.

Акамиз бир кунни уйимга келиб чуқур «уф» тортди. Ҳайрон бўлдим. Доимо жилмайиб юрадиган акахон бу гал маҳзун эди. Бир пиёла чой тутиб, аҳвол сўрадим.

— Эй, сўраманг, бир ҳафта аввал қариндошларни кўргани тоққа боргандим. Бормасам бўларкан, ичим дардга тўлиб кетди. Кимгадир айтмасам бўлмайди, охири сизга келдим, ука, мана ўша дардлар, деб кўлимга қоралама қоғозларни тутди. Ўқишга тушдим...

«Тоғ ер куррасининг ҳаёт манбаи десак хато бўлмайди. Болалигим, ўсмирлигим тоғ бағрида кечди, у мен учун муқаддас ва азиз! Саксонинчи йилларда «юқори»дагиларнинг ишораси билан бир пайтлар «одам бормас» деб ном олган шўрхок ёбонга кўчириб келтирилдик. Аммо кишлокдошлар меҳри тоғларда қолаверди. Наздимизда тоғ мўъжизалар макони, илоҳий сукунат

ўчоғи, даралари, ҳайвонот олами, қушлар, ўсимлик-гиёҳлари, дарё, кўл, булоқлари — тирикликнинг онаси!

Олис болалигим кечган тоққа хар гал борганимда кўзларимдан тирқираб ёш оқаверади, тошларга бағримни бераман, улар соғинч деб аталган дардимга малҳам бўлади. Чўққиларга қараб ҳаётнинг абадий экани, инсон умри унинг олдида оний эканига имон келтираман.

Тоғлардаги сўлим гўшаларга ҳайратланиб, энтикиб қарайман, шилдираб оқабган шаффоф чашмаларни кўриб қувонаман, қуриб тақронга айланган булоқ бошида қайғуга ботаман. Булоқларни ким қурилади? «Ўзим», дейман чуқур тин олиб.

Арча! Сени нимага қиёслай? Қор ва булутлар кўрк бериб, ўрқачлари фалакка тиралган тоғлар бағрида ястаниб олган ям-яшил дарахтзор аслида мўътадил иқлим, минглаб булоқлар манбаидир.

Эвоҳ, унинг гўзаллигидан завқ олган одам боласи бир кун келиб мафтункор малакнинг золим кушандасига айланган, деб ким ўйлабди. Кишлоқликми, шаҳарликми, харилик, вассалик ёғоч деб унинг гўзал танасига болта уради.

Ўтган асрнинг 60-йилларида ҳар бир тоғлик эркак кишига 40-50 кубметр арча кесиш норма қилиб берилган. Кесилган арчалар Катта Ўра дарёлари орқали оқизилган. Шундан бери табиатнинг эрка маликасига хужум давом этиб келмоқ-

да. Яшил арчалар ўрни тақрон, шир-яланғоч холга келди.

Тўқсон ёшни қаршилаган Аллаёр бобо Зариповдан нега булоқлар қуриятми, деб сўрайман.

— Эй, болам, бир пайтлар арчазорларнинг бир учи ҳозирги Бобуртепа сув омборига бориб тақаларди. Бу ёғи Майданак чўққиси. Арчалар шунчалик қалин ўсардики, йўл топиб юриш мушкул эди. Ўша йиллари Лангар дарёси ҳам ўзанига сигмай оқарди. Ундан фақат сузгир отларгина ўтарди. Бир булоқ бор эди. Қори қишдан қишга емоқ бўларди. Болам, қорнинг куртлаганини кўрганиман? Мен кўрганман. Энди сизлар кўришларинг даргумон. Яна айтсам, ёввойи ҳайвонларнинг, қушларнинг ҳисоби йўқ эди. Болам, балки ишонмасан, қайсидир овчи ҳатто маймунни ҳам кўрган экан. Қани улар? Ўйлаб қарасам, уларнинг онаси ҳам, отаси ҳам арчалар экан.

Кўкбулоқ қишлоғининг юқорисидаги тепаликни биласан. Ана шу тепалик бағрида суви бир тегирмонни юргизадиган булоқ бор. Авваллари эса икки тегирмон сув оқарди. Атрофида бодом, pista, заранг, учқат, дўлана, зирк саригча, иргай, туғдона, дубулға каби довдарахт ўсарди. Ҳозир Қўга кишлогидан Майданаккача бўлган ёнбағирларда сийрак арча учрайди, холос».

Ҳа, тоғлар киндик қоним тўқилган масканим, унинг улугворлиги, мафтункорлиги менга ҳайрат, ҳаяжон, илҳом беради. Ва яна унинг дардлари мени азоблайди. Тоғларни асло ҳиссиз деб ўйламанг. Улар барчасидан воқиф, кечиримли, чунки у она! Шу боис тоғ билан тиллашаман, тоғлар ҳали сизу бизга кўп сир-синоатни айтиб беради.

Ўролбой ҚОБИЛ,

Қамаши тумани


Жамиятнинг бош вази-фаси одамлар сihat-саломатлиги, тўкин ҳаёт учун барча шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Тиббиёт тараққиёти эса инсон саломатлиги кўп жиҳатдан унинг ўзига боғлиқлигини кўрсатяпти.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) бу борада шундай хулосани баён қилган эди:

«Фақат тиббий даволаш билан инсон соғлиғини 8-10 фоизгина тикланади.

52 фоиз ҳолатда эса бу одамнинг турмуш тарзига боғлиқ, 20 фоиз атроф-муҳит, экологияга, яна 20 фоизи эса ирсий омилларга боғлиқ эканлиги илмий исботланган».



Қандли диабет — аср муаммоси

Қадимги дунё ва ўрта асрлар табобати илгари сурган таклиф, гоғларга назар солсак, улар асосан саломатлик ҳар бир кишининг ўзига боғлиқ эканлигига катта аҳамият берганлигига гувоҳ бўламиз.

Лукмони Ҳакимнинг ўғлига насиҳатлари, Гиппократнинг соғлиқни сақлаш ҳақидаги тавсиялари, Аристотелнинг Искандар Зулқарнайнга 10 та маслаҳати ва буюк ватандошимиз Абу Али ибн Синонинг «Одам гавдасини муносиб ва ёқимли нарсалар билан таъминлаш» ҳақидаги маслаҳатларида соғлом бўлиш учун кундалик турмушда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ўқитиб ўтилган.

Дунё миқёсида аср эпидемияси деб эътироф этилаётган қандли диабет касаллиги ҳам кишидан алоҳида эътиборни талаб қилади. Унга чалинган бемор парҳез қилиши, соғлом турмуш тарзига риоя этиши, жисмоний меҳнат ёки бадантарбия билан шуғулланиши, шахсий озодаликка амал қилиши, тўғри касб танлай билиши керак. Қандли диабет — кенг тарқалган касаллик. Дунёда жами 320 миллион кишининг диабет билан хасталанганлигини ҳисобга олсак, унинг нақадар хавфли эканлиги аёнлашади.

Эпидемиологик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда ҳам диабет касаллигининг тарқалиш даражаси беш фоизни ташкил этади. Диабет билан хасталанган 118 минг бемор рўйхатга олинган. Тошкент, Бухоро ва Фарғона вилоятлари ушбу касаллик кўп учрайдиган ҳудуд ҳисобланади. Ачинарлиси, мазкур хасталик билан нафақат ёши катталар, балки болалар ва ўсмирларнинг ҳам оғриётганидир. Республика ихтисослаштирилган эндокринологик илмий-амалий тиббий марказида диабетга қарши даволанаётганлар орасида ўсмирлар ва болаларнинг борлиги, айниқса, уларнинг сони ўтган йилларга нисбатан ортганлиги кишида хавотир уйғотади.

— Республикамиз бўйича 1010 та 14 ёшгача бўлган болалар ва 523 та 18 ёшгача бўлган ўсмирлар рўйхатга олинган, — дейди марказнинг Болалар эндокринология лабораторияси илмий ходими Насиба Алимова. — Болаларда диабетнинг биринчи босқичи кузатилади. Диабет моддалар алмашинуви касаллиги бўлиб, келиб чиқиш сабаблари, ривожланиш

йўллари ва клиник аломатларига кўра турличадир. Бу касаллик вирусли инфекцияли, масалан, гепатит, грипп каби юқумли касалликлардан сўнг ёш организмда тўғри рационал овқатланмаслик ва иммунитетнинг пасайиши вақтида ҳам юзага келиши мумкин.

Тиббий марказдаги болалар бўлимида даволанаётганларнинг ёши турлича. Лекин уларнинг ташхиси, таъбир жоиз бўлса, дарди бир. Бу ерда ёшига тўлмаган гўдақларни, вояга етган ўспирин-

да уларга ота-оналари, бувилари кўмаги, тушунтириш зарур. Бизнинг бўлимда бўлган барча ёшдаги болаларга бирдек даволаш профилактикалари олиб борилиб, вилоятлар бўйича келган беморлар ойлаб шу ернинг ўзида даволанади.


— Қандли диабетга чалинган беморларга кўмак бериш мақсадида мамлакатимизда Ўзбекистон Эндокринологик ва Диабетик ассоциацияси ташкил этилган, — дейди Республика ихтисослаштирилган эндокринология

илмий-амалий тиббий маркази катта илмий ходими, диабетология бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Феруза Муҳаммадова. — 600 га яқин аъзоси бўлган ассоциацияда беморларга кўмак бериш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида қатор лойиҳалар татбиқ этилаётир. Диабет халқаро федерацияси (IDF)нинг «Ҳаёт учун инсулин» («Insulin for life»), «Болаларга ҳаёт» («Life for a child») дастурлари доирасида диабетнинг биринчи тури билан хасталанган болалар инсулин ва ўзини назорат қилиш воситалари билан таъминланди.

Диабетга чалинган болаларнинг ота-оналари учун Диабет мактаби ташкил этилган. Бу ерда ота-оналарга диабетнинг турлари, даволаш чоралари, инъекция қилишнинг афзалликлари ва тартиб-қисми хусусида атрофлича маълумот берилади. Жойларда диабетни эрта ташхислаш бўйича қондаги қандни аниқлаш пунктларини ташкил этиш ҳамда бемор болалар ўртасида расм танловлари ва спорт марафонлари ўтказиш режалаштирилган.

Айтиш мумкинки, етарли даражада ўзини-ўзи назорат қилиб бориш диабет касаллигининг ривожланиши ва унинг асоратлари кучайишининг олдини олади. Саломатлик ҳақида мудом қайғуриш аввало кишининг ўзига, қолаверса, яқинларига боғлиқ.

Наргиза АСАДОВА



ларни ҳам учратиш мумкин.

— Икки йилдан бери шу масканда даволанаман, — дейди 14 ёшли қизалоқ Мадина Усмонова. — Қандли диабетга чалинганимни билгач, даставвал роса кўрқдим. Лекин ҳозир аҳволим яхши. Доимий назоратда туриб, шифокорларнинг маслаҳатларига қўлоқ тутилса, тартибга риоя қилинса, яхши юриш мумкин. Бу ерда даволаш ишлари яхши йўлга қўйилган. Дори-дармон вақтида бериб турилади.

— Болалар ва ҳали ўзини-ўзи назорат қила олмайдиган кичик ёшдагилар учун бу касаллик билан яшаш бир мунча қийин, — дейди Болалар эндокринология бўлими мудири, биринчи тоифали шифокор Дилдора Зуфарова. — Чунки улар организмдаги қанд миқдорининг кўпайиб ёки камайиб кетганини ўлчаб туришга ва буни меъёрида сақлаш чораларига доим ҳам амал қилавермайди. Масалан, меҳмондорчиликка борган бола албатта ширинликларни егиси келади. Шун-

Даволашнинг янги усуллари

Мамлакатимизда даволаш муассасаларини замонавий тиббий ускуналар билан таъминлашга катта аҳамият берилмоқда. Янгидан рентген кабинетлари жиҳозланди, шу билан бирга, янги лаборатория, физиотерапия ва электрокардиография хоналари ташкил этилди.

Тошкент шаҳрида жойлашган бир қатор реанимация ва туғруқхона бўлимларига Олмония, Швеция, Италия фирмаларидан замонавий аппаратлар сотиб олинди. Сил касалликлари диспансери даволаш биноси қуриб битказилди. Бу ишлар тиббий муассасаларни малакали кадрлар билан таъминлаш, уларнинг малакасини ошириб бориш билан бир вақтда олиб борилаётгани диққатга сазовордир.

— 2011 йилда врач ва ўрта тиббиёт ходимларнинг 20-30 фоизини малака ошириш курсларида ўқитиш режа асосида бажарилди. Бундан ташқари, туман тиббиёт бошқармаси томонидан барча врачлар, туғруқхона, болалар муассасалари ўрта тиббиёт ходимлари ўз вазифасига лойиқлигини аниқлаш ҳамда иш малакасини белгиловчи категория олиш учун аттестациядан ўтиш йил сайин кўпайиб бормоқда, — дейди Шайхонтоҳур ССВ бошлиғи Г.Р.Бурхонова.

Туман касалхона, поликлиникалари, айрим зарурий кабинетлар, лаборатория, марказлашган стерилизация пункти, рентгенография кабинетлари жиҳозланди ва замонавий ускуналар сотиб олинди. Муҳими, даволашнинг замонавий усуллари кенг қўлланилмоқда.

— Даволаш муассасаларини кенгайтириш, хизмат сифатини яхшилашга жиддий эътибор беряпмиз, — дейди 46-поликлиника мудири, олий тоифали шифокор Дилфуза Ибрагимова.

Ҳеч ким эътибордан четда эмас

Тошкент шаҳрининг кўпгина туманларида «Саломатлик» ҳафтаси доирасида республика ихтисослаштирилган ва илмий-амалий марказлар, илмий-текшириш институтлари, тиббиёт олий таълим муассасаларининг етакчи олимлари ва юқори малакали шифокори иштирокида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида кенг тарздаги чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ўтказилди.

Даволаш профилактика муассасалари барча тиббиёт ходимларининг фаол қатнашиши айна муддао бўлди. Тиббий кўрикларни ўтказиш учун алоҳида жойлар ажратилиб, улар тегишли тиббий асбоб-ускуналар, жумладан, электрокардиографлар ва ултратовуш ташхислаш аппарати билан жиҳозланди. Шу билан бирга, тиббий кўрикда флюорография текширувлари ўтказилиши режалаштирилган.

Тоҳир ИБРАГИМОВ,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Бир куни ота уйимизга бордим. Онамнинг нимадандир кўнгли оғригани сезилиб турарди. Охири ўзи ёрилди:

— Зубайнинг қизлари юбилейини ўтказиб берди. Мен шу Зубайчалик ҳам бўлмадимми...

Юрагим жиз этди. Зубайда холанинг қизлари-чалик ақлим йўқлигидан уялдим. Онамнинг бирор марта бўлса-да, туғилган куни ёки юбилейини ўтказиш эсимизга келмабди.

— Ахир, ўзингиз қайси кунда, қайси йилда туғилганингизни билмайсиз-ку?! Шунинг учун эсимизга келмаган бўлса керак-да, — дедим ўзимни оқламоқчи бўлиб. — Бир умр катта холанинг паспорти билан юрибсиз.

Онам чехраси ёришиб, ўтган кунларни хотирлади:

— Соцларим тақимимни ўпган, ажабтовур қиз эдим. Уша пайтлари қамчисидан қон томадиган бошпурт берувчи милиса мени кўриб қолса, оғзининг таноби қочар, менинг уни кўрарга кўзим йўқ эди. Бир куни дарвозамиз қаттиқ тақиллади, очсам не кўз билан кўрайки, гижинглаган қора отда қамчисини ўйнатиб уша бепадар турибди.

— Нимага бориб бошпуртингни олмайсан?

— Опам билан бошпурт олгани ўтамиз, деб турувдик, — дедим дир-дир қалтираб.

— Эртага ўзинг бор! Сенга айтадиган гапим бор. Бошпурт ҳам берман.

Эртасига Бухол холанг иккимиз бошпуртстолга борсак, бўйнинг узилгур кутиб ўтирибди. Холангни кўриб, захраси учди.

— Бухол, ташқарига чиқиб тур! — деди.

Опам ҳам «чиқ» деса, чиқиб ўтирибди. Ушанда менинг кўрққанамни кўрсанг эди...

— Холбу! — деди яшшамагур. — Сени олсам, деб юрибман.

Бирдан аччиғим келди. — Бекорларни айтибсиз, гулдай қиз бўлиб, сиздек бола-чақали чолга тегаманми?! —

Ўрнимдан сакраб туриб чиқиб кетмоқчи эдим. Йўлимни тўсди.

— Агар менинг хотиним бўмасанг, уруғингни қури-тиб, қулбанга ўт қўйиб юбораман, бошпурт ҳам ололмайсан, — деди. Мен шахдам юриб чиқиб кетдим.

Бироқ бошпурт керак эди, орадан анча вақт ўтгач, Бухол опам «бошпуртим йўқолди», деб ариза берди-да, янги бошпуртга бир таниши орқали менинг расмимни ёпиштириб, муҳрини бостириб олди. Анави галамис эса бу гаплардан бешабар қолди. Шу-шу опам иккимиз ҳам отдош бўлиб юравердик. Уруш пайтлари эмасми, биров бунга сезмади, текшириб ҳам ўтирмади. Энг муҳими, фуқаролигимни тасдиқлайдиган, суратим ёпиштирилган бошпуртим бор эди. Бошпуртстол каттаси билиб қомасин, деб киши билмас Якабоққа кўчдик...

Ўтган кунлар хотираси эзиб қўйди, шекилли, онаизорим маънос тортиб, ёнбошидаги ёстиққа бошини қўйди.

— Ҳа, ҳаммаси ўтди-кетди. Одамзот омонат экан, шу ўлар дунё биров-

нинг кўнглини қолдиришга арзимайди, — деди.

Онамнинг кўнглини кўтаргим келди.

— Ҳаёт, деганлари шу-да, онажон. Бир кунни тайин қилиб, шундай юбилей ўтказайликки, ҳамманинг оғзи очилиб қолсин. Ёнингизга амманми ҳам ўтказиб қўямиз, тилла сирганингизни, билагузукларингизни тақиб оласиз. Энг қиммат куйлақлардан, рўмоллардан сотиб оламиз. Юбилейни Ойгулнинг эри Фанишер видеотасмага муҳрлайди.

Тўқсонни қоралаган онам ёш боладек суянди.

Аслида онам бирортамиздан бирор нарса сўрамаган, ҳеч қачон инжиқлик қилмаган, икки гапнинг бирида «орқамда қолинглар» дегувчи ҳокисор, бир дуоғўй эди. Зубайда холанинг юбилейида кўнглига нимадир қаттиқ

юбилейингизни ўтказамиз.

Онамнинг юзига нур югурди, мўлтираган кўзларида ногаҳоний чўғ порлади.

— Майли, болажоним, амманнинг йили ўтсин-чи, бир гап бўлар.

Укамнинг хотини:


— Айтмади деманг, онамизнинг мазаси йўғроқ, аммо сизга бу ҳақда гапиришни ман этган. «Ташвиши кўп, саломатлиги ҳам дуруст эмас», дейди. Лекин айтмасам бўлмайди, опа, бир кун келиб мендан домоғир бўлиб юрманг, — деди.

Онамга қарасам, соғлом, тетик кўринади. Келин бўлса...

— Ҳали ўлмайсиз, бобом билан момонинг ёшига кирасиз.

Онам кулимсирайди, кўзлари меҳрдан ёнади.

Болалигимда «бронхит» отлиғ касални орттириб ол-



ботгани, ўқинч туйгани аниқ.

Укаларим, синглим гапни бир жойга қўйдик. Онамиз юбилейини «Антиқа» ресторанида ўтказамиз. Бироқ уни амалга ошириш насиб этмади. Тўсатдан онамиз оғирлашиб, касалхонага тушди ва жарроҳлик операциясида унинг тош тўлган ўт пуфағини олиб ташлашди. Уша кунлар зир югурдик. Тошкент — Қашқадарё ўртасида бўзчининг моксидек қатнадик.

— Кўп харажатга тушдиларинг, юбилейни қолдириб туринглар, — деди онам. — Қолаверса, ҳозир ресторанда ўтирадиган ҳолим йўқ, аввал биров тузалиб олай, кейин бир гап бўлар...

Куз ўтди, қиш ўтди, гуркираб баҳор келди. Дилда орзу-умидлар яна бош кўтарди. Аммо кутилмаганда кетма-кет қорлар ёғди. Кунларнинг бирида Янгийўлдаги бир йиғилишга бориб, нафас йўлларим қаттиқ шомоллаб, эски касалим хуруж қилди. Кундузи бир нави юрар, тунлари ҳароратим кўтарилиб, йўтал энка-тинкамни қури-тарди. Ушандай дилгир кунларнинг бирида аммагинам вафот этди. Уни беҳад ёқтирдим. У ўтирган давраларга файз кирар, хангомалар айтиб, барчанинг ичагини узарди. Бетоблигим туфайли уни сўнги йўлга кузатиш насиб этмади. Маъракасига етиб бордим. Онам жуда сўлғин кўринар, диванда бужмайиб, бир бурда бўлиб ўтирарди.

— Узимни ортиқча сезяпман, амманг ҳам кетди, менинг ундан ёшим катта бўлса...

— Ҳар ким ўз ҳаётини яшайди, онажон, — дедим. — Ортиқчаман, деманг, ёзда

ганман, бир йўталсам, ойлаб йўталаман. Гўдаклигимда «қарр-қарр» йўталсам, онагинам думба ёғини эритиб, аъзои баданимга суриб ташлар, ҳафта-ўн кун ўтиб тузалиб кетардим. Улғайганимда эса онаизоримнинг ўзи кексайиб, бизнинг парваришимизга муҳтож бўлиб қолди.

Касалим бошланган кунлар эмасми, ўша тун уйку элитгунга қадар йўталдим. Тонгга яқин уйғониб кетдим. Қарасам, ёстигим тепасида жавдираб онам ўтирибди. Мижжа қоқмагани шундоққина кўриниб турар, чехрасида сўлғинлик, ҳорғинлик акс этганди.

— Болагинам, ўзингди қаратсанг бўмайдим, зўр-зўр дўхтирлар бор.

— Эй, биласиз-ку, больницани ёмон кўраман.

— Ай, болам-а, бировдинги иши тушмас, больницага борама. Бундай йўталиб юрма, ҳамма болам бир болам, сенинг ўзинг бир болам, даволаниб, тузалиб огин, этагиндан кўкаргин, кўзлари косапаро болам.

Ширинсўз онамнинг меҳридан ийиб кетаман. «Кўзлари косапаро болам». Беихтиёр кулгим қистайди. «Кўзимнинг нимаси косапаро» экан... (Косадек катта-катта демоқчи). Агар кўнглига ёққан бирор қиз ёки аёл ҳақида таъриф бермоқчи бўлса, «оплоқ қаймоқдай, Шарофат, сенга ўхшайди, кўзлари косапародай, Саодат, сенга ўхшайди», дейди. Биз куламиз. Онамнинг назарида биз дунёда энг кўхлик аёлларимиз.

Уйимда болаларим кутарди. Онамни укам билан келинга, уларни эса Худого топшириб, йўлга чиқдим. Орадан

кўп ўтмай, онамнинг бетоблигини эшитиб, ҳушим бошимдан учди. Операция бўлган жой яхши битмаган экан, йиринглаб кетибди. Телефон тинмайди, онамнинг овози тетик, яшашга иштиёқи зўр. «Албатта, тузаламан», дейди. «Онамининг палаги тоза, Жўра бобомиз сингари 110 йил яшайди», деймиз ўзимизни ишонтириб. Аммо дам олиш кунлари келса, оёқларимиз беихтиёр киндик қон томанг масканга, онаизорим ётган азиз хонадонга тортади.

... Борганимда онам тушакка михланиб ётар, ранг-рўйи саргайиб кетган. Аммо кўзларида, икки ёноғида ҳаёт жилва қиларди. Олиб борган яшил гулли (онам яшил рангини яхши кўрарди) куйлақ ёқди. Дарҳол кийиб олди. Тез-тез ёқасини ўпиб қўяр, «болам олиб келган» деб суянарди. Шарбат ичди, бошқа

майман-ку... Аммо биз ўзимиз билан овора эдик, ўқинчи дунёнинг ҳою ҳаваслари деб елиб-югурардик. Бизни дунёга келтирган волидаи мухтарамамизнинг чўкиб бораётган кемадек ёнгинамизда сўлиб, адо бўлаётганини сезмасдик...

2011 йилнинг 23 июни кунини кўнглимга тушган гашик тошдек эза бошлади. Ҳар кунги одатимга кўра, беихтиёр гўшакни кўтариб, ота уйим телефон рақамини тердим. Гўшакни олган Албинанинг овози гоётада мунгли эди.

— Онамиз қўйган нарсаларининг қаердалигини бир-бир кўрсатди, назаримда, бугун бошқачарок, — деди кўнгли бузилиб.

— Телефонинг онамга бер-чи.

Албина қўл телефонини онамга бериб, «опам... гаплашинг», деди.

Онамнинг товуши ғуссалли туюлди.

— Начальник Жўраева, ҳадеб ётаверасизми, туринг энди, — дедим гарчи ҳазилнинг мавриди бўлма-са-да.

Онам ҳар доимгидек қувноқлик билан жавоб қайтарди.

— Мен-ку, турай деяпман, болажоним, аммо туролмаяпман-да, бугун қон қусдим.

— Нега қон қусасиз?! Нима ўламан, деяпсизми?! Онажоним билан эркин-сиб гаплашганим учун тилимга келган сўзларни айтганим.

— Ҳа, болажоним, мен энди ўлаяпман, — деди.

Онагинамнинг овози ғалати эди, бўғзимга нимадир тикилиб, гапиролмай қолдим, сўнг йиғи бўлиб отилиб чиқди.

— Йиғлама, болам, йиғлама!

— Йўлга чиқайми?! Онам индамади, афтидан боришимни жуда-жуда истарди. Бироқ у яна аяди, шекилли:

— Қўй, болам, болаларингга қара. Бозорбойга қара (набирам Аслон бозор кунини туғилгани учун катта бувиси уни Бозорбой, деб атарди), — деди.

Қарангки, бу онаизорим билан сўнги мулоқот экан.

Безовта тун қалбимизга соя солиб турарди. Соат ўн бирларга яқинлашганда, синглим кўнги-роқ қилиб: «Онамининг реанимацияга олиб кетишибди, йўлга чиқайлик, опа», деди. Тун яримдан ошганда укамнинг телефондан:

— Онамиз кетди, — деганида юрагим тўхтаб қолаёзди.

Йўлга тушдик, масофанинг олислиғи ана шунда сезилди. Синглимнинг уни ўчмайди... Тонг оқарганда етиб бордик. Ҳар гал келганимизда, онам диванга ўтириб, бизни кутар, «болажонларим келди», деб юраги ёрилгудек хурсанд бўларди. Уша кун эса хонаси ўртасида узала тушиб ётар, чехрасида сокин, улугвор бир хотир-намлик, назаримда, лабларида ним табассум қотиб қолганди.

Шундай қилиб, онамни кўпга қўшдик. Ёши улуг эди, бироқ она ҳаётлиги кўнгли тоғининг юксаклиги, мўлтирлаб турган кўзлари эса дил чироғи экан. Онам вафотидан сўнг қалб уйи ҳувиллаб қолди...

Шарофат ИСКАНДАР
қизи

Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллигига



Иштибоҳ йўқдир, Низомиддин Алишер барҳаёт

кўксингизда эзгулик куртаклари барг ёзади, агар инсонийлик гулханлари нафс ёмғирлари остида ўча бошлаган бўлса, қайтадан гуриллаб аланга олади, атрофга кўнгил кўзи билан қарайсиз, ўзлигингизни топасиз.

Навоийни ўқиш, аввало, ўзинг билан олам ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги ҳақиқатларни билиш, Яратганнинг кўзгусига қараб ўзингни тўғрилаб олиш

демакдир. Шунинг учун ҳам бу асарлар ҳамма вақт худди бугунги кун ҳақида ёзилгандай туюлаверади. Зеро, Навоий асарлари инсонийлик барометридир.

Алишер Навоий шеърятининг боқийлиги ҳам унда асл инсоний фазилатларнинг улугланганлигида; рўйи заминнинг қайсидир нуқтаида ҳануз орзу бўлиб қолаётган адолат, мамлакат ободлиги, тинчлик, ҳамдўстлик, бирлик, тенглик каби ижтимоий ғоялар ҳақида ўрта аср шароитида жасорат билан бонг урганлигида, инсон ҳаётига таллуқли неки бор — барчасига дахл қилганлигида, азалий ва абадий ҳақиқатлардан баҳс юритилганлигидадир.

**«Одамий эрсанг,
демагил одами
Оники, йўқ халқ**

Ғамидан ғами»,
яъни халқ ғамидан ғам чекмаган одамни инсон ҳисоблама, деган дастурни ўртага ташлаган адиб шахс ва омма манфаати ўзаро боғланган шундай нозик ҳалқани кўрсатадики, унда халқ манфаати йўлида югуриб-елиб юрибман, деб ёлғондан кўксига уриб юрганларга ҳам, нукул ўз манфаатини ўйлаб кунжак-кавакларда писиб юрганларга ҳам истеҳзо ва сабоқ бор:

**Нафъинг агар халққа
бешакдурур,
Билки, бу нафъ ўзунга
кўпракдурур.**

Ҳа, халқ учун қилдим, деганинг саъй-ҳаракат, амалнинг остида, аввало, ўз нафъинг ётади. Халққа қилган хизматинг бошқалардан кўра ўзингга кўпроқ фойда келтиради.

Шоир ижодий мероси — одамийлик фанининг мукамал дарсларидир. **«Яхшилик тухмини сочқилким, будур дехқонча сўз: «Ҳар неким эқтинг бугун, ёрин (эртага) ҳамон тут ани кўз!»; «Олам аҳли, билингизким, иш эмас душмонлиг, Ёр ўлинг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиг иш!»** дейди ҳазрат Навоий яна.

Инсон ўз-ўзини таниш, комиллик сари нечоғли интилмасин, дунё ҳануз жаҳолат, мазҳабпарастлик, фитна, адоват, қаноатсизлик дасида талаш бўлаётган; қайсидир давраларда ҳануз тухмат, чақимчилик, иккиюзламачилик, риё, ёлғон рағбатлантирилаётган бугунги кунда бу дастур қанчалик муҳим! Шоир ижоди яратувчиликка даъват, эзгуликка рағбат, инсонийликка қақриқ мотивлари билан йўғрилган бундай байтларга нечоғли бой! Фақат бу асарларни кундалик турмуш пойгаларидан бир қадар тин олиб ўткинчи дунё ҳою ҳавасларидан чекиниб қўлга олмоқ, кўнгил кўзи билан ўқимоқ лозим. Шунда кўнгил даламизнинг нақадар кенгайиб кетганлигини, унда хушифор еллар эсаётганлигини, руҳимиз енгиллашиб, ўз асл маскани сари парвоз этаётганлигини сезамиз...

Навоий, сўз санъаткори. Сўз эса борлиқнинг жамийки мавжудотлари ичида инсонга тақдир этилгандир. Шу боис одамзод ҳамиша сўз жилваларига, сўзда ўзини кашф этишга эҳтиёж сезади. Улуғ шоир туркий тилнинг шундай сир-синоатларини кашф қила олдики, бунга фақат илоҳий-ғайбий қудрат билангина эришиш мумкин.

Истиқлол бизни ўз тарихимиз, миллий қадриятларимизга соғлом кўз билан қарашга ўргатди. Ана шундай қараш туйғули Навоийга, унинг асарларига бўлган муносабат ўзгарди. Унинг ижодий мероси чеклаш ва қисқартиришларсиз китобхонларга тақдим этилди, шоир асарларининг янги-янги талқинлари майдонга қўйилди. Куръон ва Ҳадислар, тасаввуф таълимоти мутафаккир адиб асарларининг ўқ илдизини ташкил этиши баралла эътироф этилди... Навоийхонлик, навоийшунослиқнинг янги бир даври бошланди. Бу янги давр улуғ бобомиз қолдирган фикр ва сўз ин-

жуларига эҳтиёжнинг чандон ортганлиги билан ҳам характерланади.

Улуғ Алишер Навоий асарларига эҳтиёж — бу ҳамиша Ҳаққа, абадий ҳақиқатларга, комилликка, кўнгилнинг ҳеч қачон ўзгармайдиган, эскирмайдиган тирик туйғулари ифодасига, сўз сирларини очишга бўлган эҳтиёждир. Йўқ, биз Навоийга боқиш учун ортимизга ўгирилмаймиз. Тили, миллати, дини-мазҳаби, замони ва маконидан қатъи назар, юраги уриб турган одамзод насли ўз руҳий эҳтиёжларини қондириш учун Навоийга — олдинга қараб талпинаверади. Бу — ёмғирнинг ёғиши, фаслларнинг айланиши, кўёшнинг чиқиши сингари табиий бир ҳақиқатдир.

**Иштибоҳ йўқдир, Низомиддин
Алишер барҳаёт,
Токи минг тур майл ичинда рағбати
шеър барҳаёт.**

**Токи борлиқ жабҳасида бир бани
Одам учун
Пок садаф ичинда дурдек Сўз деган
сир барҳаёт.**

**То кўнгилнинг каъбасини етти
аршча шуъладор
Этгучи онча мунаввар ишқ деган
меҳр барҳаёт.**


**Токи ошиқ барҳаётдур, токи
маъшук барҳаёт,
Лек рақибга ҳам кулиб боққувчи
тақдир барҳаёт.**

**Бир хўрозқанд бўлди гоҳо сирларинг
савдоси, дил!
Одамийлик шаънига то бунча
таҳқир барҳаёт.**

**Топдимми, билмам, асрлар даштида
овора эл,
Токи ҳақ бирлан адолат
истагидир барҳаёт.**

**Барҳаётдир то тириклик мулки олам
ичра, бил,
Иштибоҳ йўқдир, Низомиддин
Алишер барҳаёт!**

**Нодира АҒОҚОВА,
филология фанлари
доктори, профессор**



● Спартакиада

Бирдамлик, қувонч, ғалаба

Наманган шаҳридаги 2-тиббийет коллежида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят кенгаши томонидан «Саломатлик» спартакиадаси ўтказилди.



— Бундай мусобақалар ишдагина эмас, ўз соғлигимиз ҳақида қайғуришда ҳам биринчи бўлишимиз кераклигини эслатиб туради, — дейди спартакиада иштирокчиси Замира Турдалиева. — Бир неча йилдан бери бундай мусобақаларни интиқлик билан кутиб, жон-жон деб иштирок этман. Биз учун бундан ортиқ тўхфа йўқ.

Аммо номингиз голиблар аввалида янграса, янада ёқимлироқдир.

Бундай бахт Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши жамоасига насиб этди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши иштирокчилари иккинчи, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Наманган вилояти бўйича вакиллиги шохсупанинг учинчи поғонасини забт этишди.

— Ҳар бир баҳс ўзига хослиги билан ажралиб ту-

ради, — дейди шахмат тури бўйича тенгсиз деб топилган Исроил Абдуллажонов. — Вилоят «Сувоқава» ДУҚда касаба уюшма кўмитаси раиси сифатида фаолият юритаман. Дам олиш вақтида ҳам касбдошларим билан дона суришиб тураимиз. Бугунгидек кучли рақибларни енгишда шу тайёргарлик жараёни қўл келди, деб ўйлайман.

Кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлган Музаффаржон Жўраевни суҳбатга тартаимиз. Ёш бўлишига қарамай, оиласида соғлом турмуш тарзини ярата олган бу йигит рафиқаси ва ўғли билан бир жамоа сифатида оилавий баҳслар голибига айланишди.

— Олти оилавий рақибларнинг барчаси кучли тай-

ёргарлик кўришган экан, — дейди у. — Бу албатта, спартакиадага бўлган қизиқиш ва эътибордан. Турмуш ўртоғим Азизахон ҳамда ўғлим Мақсуджон билан бир ёқадан бош чиқариб, устунликка эришдик. Бундан жуда хурсандимиз. Энг муҳими, голиблик эмас, жисмоний имкониятларимизни яна бир бор ишончли синовдан ўтказга-

нимиз бўлди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Наманган вилояти вакиллиги шарафини ҳимоя қилган мазкур оила аъзолари билан яқиндан танишсак.

Оилабоши М. Жўраев вилоят меҳнат биржасида фаолият юритади, Азизахон эса санъат лицейида ёшларга сабоқ бериш билан банд. Оиланинг келажаги, бахтли рўзғор кўзmunчоғи Мақсуджон келажакда кучли боксчи бўлиш ниятида спорт мактабида таҳсил олмоқда.

Эзгулик ўзи билан ҳамиша хайрни етаклаб келади, дейдилар. Бунга яна бир бор шохид бўлдик.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» муҳбири,
Абдуносир ҚўЧҚОРОВ
олган суратлар

● Сулола



Спортсевар

Юртимизда спортчилар сулоласи кўп. Мисол учун, бундан бир неча йиллар муқаддам Биродар Абдураимов ўзининг чиройли голлари билан мухлислар қалбини забт этган бўлса, сўнгра Азамат Абдураимов катта саҳнага чиқди. Жасур, Баҳодир ва Ботир Абдураимов ҳам бир қанча муддат яшил майдонда сулола аъванасини давом эттиришга ҳаракат қилди. Айни пайтда эса Биродар аканинг набираси Нигина Абдураимова теннис кортларида кетма-кет ғалабаларга эришиб, спорт ишқибозларини хушнуд этмоқда. Қашқадарёда ҳам ана шундай бахтли оилалар бор. Бугун ўзбек спортига моҳир курашчи полвон ҳамда футболчиларни етказиб берган Арслоновлар сулоласи ҳақида сўз юритамиз.

ФИДОЙИ БОЗОР АКА

Фузорлик ва янгиерлик футбол ишқибозлари Бозор Арслоновни яшил майдонда кўп кўришган. Ўтган асрнинг 70-80 йилларида «Янгиер» (Янгиер) ҳамда «Оқ олтин» (Фузор) жамоалари таркибида хужумда тўп сурган Бозор ака бошқалардан ажралиб турарди. Асосан иккинчи лига баҳсларида иштирок этган бўлсада, ўз ортидан маҳаллий ёшларни эргаштира олди. Ўнлаб ёшлар Бозор акага эргашиб, футбол оламига кириб келишди. Айниқса, унинг укаси Парда Арслонов кўп йиллар Фузорнинг «Оқ олтин» ва «Шўртан» жамоалари таркибида самарали ҳаракат қилди. Кўплаб голлари билан жамоа ғалабасига хисса қўшди.

Қашқадарё аҳли Бозор акани кураги ер кўрмаган, тўйларда чапдастлик билан кураш тушган, ори баланд полвон сифатида ҳам яхши билишди.

ЎҒЛИ «ШЎРТАН»ДА, ҚИЗИ «СЕВИНЧ»ДА

Парда Арслонов бугун акасининг ишини давом эттираяпти. Спортсевар фарзандлари ва амакиларига бош-қош, уларга йўл-йўриқ кўрсатиб чарчамайди. У 1985-90 йилларда Қарши иқтисодийет муҳандислик институтида ўқиган давридаёқ ўз ҳаётини яшил майдон билан боғлади. Қаршининг «Битовик» жамоаси сафида тўп сурди. Бу пайтда «Би-

товик» касаба уюшма спорт жамоалари ўртасидаги республика биринчилигида фаол қатнашарди. Жамоа сафида жавлон урган Павел Зотов, Файзулла Очилов, Константин Смирнов, Александр Бейнарович, Парда Арслонов сингари футболчилар кейинчалик Қашқадарё футболнинг энг етакчи ўйинчиларига айланишди.

— 1990 йилда «Битовик» Фузорнинг «Оқ олтин» жамоасини 2:1 ҳисобида мағлуб этди ва шу ўйиндан кейин мени фузорликлар жамоаси бошлиғи Илҳом Норчаев ўз таркибига таклиф қилди, — дея хотирлайди Парда ака. — Шундан сўнг то футболчилик фаолиятимни яқунлагунча Фузорда тўп сурдим.

Дарҳақиқат, Парда Арслоновнинг ҳаётини «Шўртан»дан айри тасаввур этиб бўлмайди. Фузорда «Шўртан» жамоасининг ташкил топиши, жамоанинг бир неча йил вилоят чемпиони бўлиб, охир-оқибат биринчи лигага чиқиши, биринчи лигадаги бир-бирдан қизиқарли мавсумлар Парда Арслоновнинг номи билан ҳам боғлиқ.

У айни пайтда Қашқадарё фахрийлар терма жамоаси аъзоси. Илҳом ва Икром Норчаев, Ихтиёр Каримов, Шоди Намозов, Шавкат Тўрақулов, Ихтиёр Мардонов, Дадажон Тоғаев, Шўхрат Қиёмов сингари фахрийлар билан биргаликда

республика чемпионатида ҳозирлик кўрмоқда. Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Хоразм, Қорақалпоғистон, Самарқанд фахрийлар терма жамоалари мусобақанинг минтақавий саралаш баҳслари финал йўлланмалари қайси жамоаларга насиб этишини белгилаб беради.

Яна бир аҳамиятли томони, Парда аканинг фарзандлари ҳам ота изидан боришмоқда. Ўғли Аббосни қачон изламанг, футбол майдонидан топасиз. 12 ёшли Шаҳбоз эса «Шўртан» футбол академиясида таҳсил олмоқда. Қизи Мафтуна Қаршининг «Севинч» қизлар футбол жамоаси аъзоси. Саккиз ёшли Шохрўҳнинг ҳам тўп тегишга иштиёқи баланд.

— Юртимиз мустақилликка эришгач, спортга эътибор кучайди. Биз тўп сурган даврларда бунчалик катта рағбат ва эътибор

кўрмаганмиз. Тилагим, биз эришолмаган спорт ютуқларига фарзандларимиз эришсин! Худодан уларнинг камолини сўрайман, — дейди собиқ футболчи қалби эзгуликка тўлиб.

ИЖОДКОР ФУТБОЛЧИ

Бозор аканинг ўғиллари ҳам отаси каби чарм тўпга меҳр қўйди. Адҳам Қаршидаги «Нуристон» академик лицейида ўқиш баробарида «Насаф» стадионида футбол машғулотларига қатнашни қанда қилмади. Ундаги тезкор ҳаракатлар, ярим ҳимоя ҳамда хужум чизигида муносиб тўп суриши Адҳамдан яхши футболчи чиқиши мумкинлигини англатгандек эди. Бироқ танганинг иккинчи томони ҳам бор экан — Адҳам адабиётга ҳам жуда қизиқарди. Спортни танлаш учун адабиётдан воз кечиш талаб этиларди. Икки соҳанинг бир кишига оғирлик қилиши аниқ. Шу тариқа Адҳам илм йўлидан кетди. У айни пайтда «Ishonch» газетасининг энг фаол муҳбирларидан бири бўлиш билан бирга, тахририятимиз футбол жамоасининг моҳир хужумчиси ҳамдир.

УМИДЛИ АЛИШЕР

Бугун «Шўртан» жамоасининг ўринбосарлар таркибида яна бир истеъдод соҳиби улғаймоқда: ярим ҳимоячи Алишер Арслонов. У 1994 йилда таваллуд топган. Акасидан фарқли ўлароқ Алишер футболнинг этагини маҳкам ушламоқчи. Илк футбол сабоқларини Абдулла Раҳмоновдан олган қахрамонимиз бир неча йил пойтахт мураббийларидан ҳам чарм тўп сир-асрларини ўрганди. 2004-2007 йилларда Тошкентнинг «Локомотив» БФК (болалар футбол клуби) жамоаси таркибида пойтахт биринчилиги ўйинларида иштирок этди. Фузорга қайтгач



● **Хабарлар****Гимнастрада — соғлиқ гарови**

Навоий шаҳридаги «Сўғдиёна» спорт саройида гимнастрада бўйича вилоят беллашувлари босқичи бўлиб ўтди. Баркамол авлодни тарбиялаш, хотин-қизлар ўртасида репродуктив саломатликни мустақамлаш мақсадида ташкил этилган бу тадбирда «Зарафшон» шаҳри жамоаси биринчи, Навоий шаҳри ёшлари иккинчи ҳамда Кармана тумани жамоаси учинчи ўринни қўлга киритишди.

Ғолиблар вилоят гимнастика федерациясининг диплом ва совғалари билан тақдирланди.

Фаррух ЯКУБОВ

Маҳалламиз паҳлавонлари

Навбахор туманидаги 9-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 1997-1998 йилда туғилган маҳалла ёшлари ўртасида «Маҳалламиз паҳлавонлари» вилоят кубоги мусобақалари ўтказилди. Унда 46 нафар спортчи иштирок этди.

Қизгин беллашувлар натижасига кўра ўғил болалар ўртасида 46 кг. вазнда А.Нуриддинов, 50 кг. вазнда А.Шахобов, 55 кг. вазнда Ж.Раҳматов барчадан устун эканлигини исботлашди. Қизлар ўртасида эса 44 кг. вазнда М.Сафарова, 48 кг. вазн тоифасида М.Йўлдошеванинг қўли баланд келди.

Ғолиблар Республика босқичида қатнашади.

Х. САФАРОВА

● **Касаба уюшма тадбири**

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан Кўқон шаҳридаги ёшлик спорт ўйингоҳида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят кенгаши томонидан ишчи-хизматчилар ўртасида спортнинг мини футбол, волейбол, шахмат ва шашка турлари бўйича анъанавий спартакиада ташкил этилди.

**Ходимлар саломатлиги йўлида**

Спартакиада иштирокчилари ва томошабинларни «Тарона» рақс гуруҳи ҳамда бадиий гимнастикачи қизлар ўз чиқишлари билан хушнуд этишди.

Шаҳарнинг етакчи спортчилари ҳамда меҳнаткашлар ўртасида спортни оммалаштириш ва соғломлаштириш ишларини фаол олиб бораётган касаба уюшма ходимлари ҳамда спорт мутахассислари диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Спорт мусобақалари қизиқарли беллашувларга бой бўлди. Мини футбол бўйича 1-ўринни шаҳар Халқ таълими, 2-ўринни «Кўқон ёғ-мой» ОАЖ ва 3-ўринни «Кўқон Суперфосфат» АЖ жамоаси эгаллади.

Волейбол бўйича эркеклар ўртасида шаҳар Халқ таълими жамоаси тенгсиз деб топилган бўлса, «Кўқон спирт» АЖ жамоаси ва Давлат мусассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси шаҳар

кенгаши жамоасига кейинги ўринлар насиб этди. Аёллар ўртасида шаҳар Халқ таълими, Нефт ва газ касб-хунара коллежи, «Кўқон спирт» АЖ жамоалари совриндорлар сафида бўлишди.

Шахматда «Кўқон ёғ-мой» ОАЖ жамоаси аъзоси Н. Абдуназаров, «Кўқондон» АЖ жамоаси аъзолари А. Маметова ва И.Шомуродова шохсупадан жой олишди.

Шашкада эса «Кўқон спирт» АЖ жамоаси аъзоси К. Тошматов, «Кўқон телеком» филиали жамоаси аъзоси Н. Иброҳимова ва «Кўқон ёғ-мой» ОАЖ жамоаси аъзоси Н. Нурматова совринли уч ўринни банд этишди.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Валишер АЗИЗОВ,
Фаргона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудири

● **Футбол****Финал остонасида**

Қаршининг «Насаф» жамоаси Осиё Футбол Конфедерацияси бахсларида омадли юришини давом эттирмакда.

4 октябр куни қаршиликлар ОФК кубогининг финал йўлланмасини қўлга киритиш учун ўз майдонида Йорданиянинг «Ал-Вихдат» жамоасини қабул қилди.

Учрашув бошидан оқ қутилмаган ҳолат юзага келди. Ўйин кучли шамол сабаб ярим соатга кечиктирилди. Балки, шунинг учунми, кўзланган мақсадга эришиш қийин кечди.

Нихоят, 36-дақиқада «Насаф» ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Аммо қанот ҳаками Лутфулла Тўраевни ўйиндан ташқари ҳолатда деб топди.

Биринчи бўлим тугашига бир дақиқа қолганида «Ал-Вихдат» дарвозасига пеналти белгиланди. Иван Бошкович чап қанотдан узатилган тўпни кўкгаги билан қабул қилиб олаётганида, Босим Фатхий уни ортидан туртиб юборди. Ҳакам ўйин қоидаси бузилганини кайд этди. Жаҳонгир Жиямуродов «Ал-Вихдат» дарвозасини аниқ нишонга олди. 1:0.

Иккинчи бўлимда томонлар ҳар қанча уринишмасин, дарвозаларга бошқа тўп киритилмади.

Эслатиб ўтамиз, мазкур ўйиннинг жавоб учрашуви 18 октябр куни Йорданияда бўлиб ўтади.

Ўз мухбиримиз

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги»нинг 08.09.2011 йилдаги СА-40/20-2422-сонли қарорига асосан, «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги ҳузурдаги товар бозорлари конектурасини ўрганиш, ҳамда инвестиция лойиҳаларини ва дастурларини экспертизадан ўтказиш Республика маркази»га тегишли Тошкент шаҳар Ўзбекистон шох кўчаси, 45-А-уй манзилида сақланаётган «ГАЗ-3102» русумли, д/р 01/827 ВАА бўлган 2001 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 7 216 398 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 8 ноябр куни соат 11:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққати! Юқоридagi автотранспорт воситаси 2011 йил 8 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситасининг тақририй аукцион савдоси 2011 йил 15 ва 22 ноябр кунлари соат 11:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади.

Юқоридagi автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850., Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамш кўчаси, 1-А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz.

Ўтганларнинг охириги обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят бирлашган кўмитаси жамоалари вилоят бирлашган кўмитаси раиси Зулфия Бобожоновага падари бузруквори

РАЖАББОЙ отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Фаргона вилоят кенгаши ҳамда Учкўприк туман тиббиёт бирлашмаси маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси бирлашганининг врач акушер гинекологи Мухтасар Бўтаева ва врач-терапевт Маъмурахон Бўтаева-ларга падари бузруквори

ТўРАҚУЗИ отанинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Арслоновлар

эса «Шўртан-94» жамоасининг асосий ўйинчиларидан бирига айланди. Иккинчи лига, яъни Қашқадарё вилоят чемпионатида рақиблар дарвозасини кетма-кет ишғол қилиб, «Шўртан»нинг ўринбосарлар таркибига жалб этилди. У ҳақда «Шўртан» мураббийи Ихтиёр Каримов шундай ҳикоя қилади:

— Алишер жамоанинг умидли ўйинчиларидан. Майдон марказида тўп суриб, ҳимоя ва ҳужум чизигини боғлайди. Ўзи ҳам дадил ҳужумга ўтиб, муҳим голларга муаллифлик қилади. У Виктор Алешников мураббийлик қиладиган «фарм-клубимиз» нинг асосий ўйинчиси саналади. Ўз устида шу тарзда ишлашда давом этса, асосий жамоанинг ҳам керакли ва етакчи ўйинчиларидан бирига айланади.

ШУХРАТ ПОЛВОН

Кураш бўйича 81 кг. вазн тоифасида Ўзбекистон чемпиони Шухрат Арслоновни танимаган спорт ишқибози бўлмаса керак. У Қашқа воҳасининг Фузор туманида туғилиб ўсди. Бозор Арслоновнинг акаси Қурбон Арслоновнинг ўғли. Илк кураш сабоқларини Фузордаги спорт интернатида Саид Умаровдан олган Шухрат устози ишончини оқламакда. Эслатиб ўтамиз, бу мактаб-интернатда Шухрат билан бирга кураш бўйича жаҳон чемпиони, истеъдодли полвон Шерали Жўраев ҳам таҳсил олган.

Шухрат айна пайтда пойтахтда. У тажрибали мураббий Баҳодир Узоқберганов қўл остида шуғулланмоқда. Тезкорлиги ва чапдаст усуллари билан рақибларини доғда қолдирадиган ёш полвонни кўрган ишқибозлар унга меҳр қўйишди. Расмий мусобақаларда ҳамда тўйқурашларда ундан фақат ғалаба сўрайдиган бўлишди.

Аслида ҳам шундай бўлди. 2004-2007 йиллар оралиғида ўтган Ўзбекистон чемпионати ҳамда мамлакат кубоги бахсларида Шухрат ишончли ғалабаларга эришди. 2007 йилда Самарқандда Алибек полвон Примов хотирасига бағишланган йирик турнирда 73 кг. вазн тоифасида бош мукофотни қўлга киритди.

2008-2009 йилларда жароҳати туфайли барча мусобақаларда тўлиқ иштирок эта олмади. Лекин букилмади. Шухрат яна машғулотларга зўр берди ва 2010 йилда кураш бўйича ташкил этилган Ўзбекистон чемпионатида зафар кучди.

Ўтаётган йил ҳам Арслонов учун самарали кечмоқда. Дастлаб Чироқчи туманида Жўра хожи полвон Тўйчиев хотирасига бағишлаб ўтказилган биринчи республика турнирида 81 кг. вазн бўйича бош мукофотга эришди. Юртимизнинг энг сара полвонлари иштирок этган мусобақада ғолиб чиқиш учун бир неча бор гиламга чиқди ва финалда Зафар полвон Бўриевдан устун келди. Июнь ойида Самарқанд шаҳри мезбонлик қилган мамлакат чемпионатида биринчи ўринни эгаллади.

Айна кунларда Шухрат Термизда миллий кураш бўйича ўтайдиган Ат-Термизий халқаро хотира турнири ҳамда Африка китъаси мезбонлик қиладиган жаҳон чемпионатида кизгин ҳозирлик кўрмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Шухрат яна бир кураш тури — дзю-



до бўйича ҳам республикамизнинг етакчи полвонларидан.

— Спортчи йўқки, жаҳон чемпионати ва Олимпиадада қатнашиб, муваффақиятга эришишни истамаса. Дзюдо бўйича Олимпия ўйинларида Ватаним шарафини ҳимоя қилиш учун машғулотларга жиддий эътибор қаратганман. Бизга яратилган шароитларни халқаро ареналардаги ғалабалар билан оқлашимиз зарур, — дейди полвон биз билан сўхбатда.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини тамомлаган Шухрат ҳали мураббийлик соҳасида ҳам ўзини кўрсатиши муқаррар.

Қуш уясида кўрганини қилади, дейди доно халқимиз. Зеро оилада жамиятимиз тараққий этиши йўлида ҳормай-толмай хизмат қиладиган маънан баркамол, жисмонан соғлом фарзандларни камол топтиришда оила кўргонининг ўрни қанчалик муҳим аҳамият касб этишини Арслоновлар оиласи мисолида яна бир бор кўрдик, ишондик.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Обуна — 2012

Жиззах вилоятида «Матбуот тарқатувчи» масъулияти чекланган жамият шаклидаги корхона фаолияти кенгайиб бораётгани унга обуначидек нозиктаб мижозларнинг ишончи ортиб бораётганидан далолат. Биргина ўтган йили жорий йил учун 300 номдаги матбуот нашрларига икки миллиард сўмлик обуна уюштирилиб, манзилдаги ўқувчига ўз вақтида етказиб берилляпти.

Жамоатчи:

АММО ТЕКИНГА ЭМАС

Жиззахда жамоатчилик асосида обуна уюштирувчилар хизмати кўпчиликка манзур бўлмоқда

— Аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини оширишга доимий диққат-этиборимизни қаратаямиз, — дейди жамият раҳбари Маъмура Урдушева. — Жойлардаги 42 та шохобчамиз орқали маънавият жабҳасига ҳисса қўшяпмиз. Фаолиятимизда жамоатчилик асосида обуна уюштирувчиларга суянаемиз. Улар яқин ҳамкоримиз ва қанотимиз. Жиззах политехника институти АРМ директори Бибиражаб Турсунова, Жиззах шаҳар таълим, фан ва маданият ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Муршида Ҳотамова, дўкон сотувчиси Холида Абдуқулова сингари ўнлаб фаол жамоатчилар меҳнати таҳсинга лойиқ, Фориш, Фаллаорол, Зафаробод туманларида ҳам жамоатчи обуна уюштирувчилар кўмагида босма нашрларга 100-120 миллион сўмлик обуна ташкил этилди. Бундай жамоатчилар хизмати текинга эмас, албатта. Шартномага кўра, жамоатчиларга умумий обуна нархининг уч фоизи миқдоридан ҳақ тўланади.

Биргина жамоатчи обуна уюштирувчи М. Ҳотамова жами 212 та обуна ташкил қилди. Унинг хизматлари туфайли 63 та жамоага «Ishonch», учтасига «Ishonch-Доверие» газеталари бутун йил давомида кириб келади.

«Излаган имкон топади» деганларидек, нашрлар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузилаётгани туфайли обуначиларга молиявий қулайликлар яратилляпти. Бундай «воситачиларсиз» хизмат кўрсатиш «Матбуот тарқатувчи»га обунада 15-18 фоизлик устама билан чекланишга имкон бераёттир.

— Ойлик маошни ўз вақтида тўлаб бориш — энг яхши ижтимоий ҳимоя, — дейди бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси Юсуф Каримов. — Ҳозирда ҳар бир ходимнинг ўртача маоши 261 минг сўмга тўғри келяпти. Бу рақам умумий даромадимизга қараб ортиб боради. Келгуси йил учун обуна мавсуми қизгин кечаётган шу кунларда жамоамиз аъзолари билан уч миллиард сўмлик обуна қабул қилишдек улкан вазифани зиммамизга олганмиз.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» муҳбири



Шарафли касб эгалари

Бир қараганда жуда оддий, аммо шарафли касб эгалари бўлган матбуот дўкони сотувчилари ҳақида ҳар қанча илиқ фикр айтсак арзийди. Чунки, уларнинг халқимизга зиё таратиш, кундалик нашрларни ўз эгаларига етказишда хизматлари бекиёс. Обуна мавсуми бошлангани муносабати билан «Матбуот тарқатувчи» акционерлик компаниясига қарашли бир неча дўкон сотувчилари билан суҳбатлашдик.

Манзура Қурбоналиева
— 229-матбуот дўкони сотувчиси:

— 14 йилдан буён шу соҳада ишлайман. Касбим ўзимга ёқади. Сабаби, жуда кўплаб нашрлар ҳар кунни ўзининг жуда қизиқарли, долзарб мавзудаги саҳифалари билан дўконимизга кириб келади. Биз уларни вақтида муштарийларга етказиб бераётганимиздан фахрланамиз. Мижозлари-

миз газета-журнал сотиб олиш билан бирга, обуна бўлиш тўғрисида ҳам кўп мурожаат қилишади. Ўтган йили 4 миллионлик обуна ишларида ёрдам қилдим. Албатта, инсон меҳнати рағбатсиз қолмас экан. Матбуот ходимлари байрамида «Матбуот тарқатувчи» АК томонидан биринчи даражали диплом билан тақдирландим. Бу йил ҳам катта шижоат билан обуна ташкил этишда ўз ҳиссамни қўшишни ният қилганман. Ширин муомалада, тақлифни тўғри тушуниришда гап кўп.

Муҳаррам Хаджиалимова — 227-матбуот дўкони сотувчиси:

— Дўконимиз атрофидаги 5-6 та катта ташкилотлар ҳар йили бизда обуна бўлишади. Ўтган йилги мавсумда 2 миллион сўмлик обуна қилишга эришгандик. Бекат ёнидалигимиз боис ўқувчилар кўпчиликни ташкил этади. Қулайликдан атрофдагилар хурсанд.

Ташкент шаҳрида мана шундай газета дўконлари 200 тани ташкил этади. Ушбу касб эгалари ҳар йили қилинган ишлар кўрсаткичларига қараб Кумушкон, Сумча каби дам олиш масканларида навбати билан дам олдирилади. Обунадаги фаоллик учун бир фоиздан уч фоизгача мукофот пуллари жорий этилганлиги айни муддао бўлмоқда.

Комила БОЙМУРОВОВА,
«Ishonch» муҳбири

Газетанинг навбатдаги сони
11 октябр, сешанба кун чикади.

ҲОМИЙ ҲИММАТИ

Ҳимматнинг турлари кўп. Кимдир ширин сўз билан, кимдир маблағ эвазига атрофдагиларга кўмак беради. Урганчдаги «Мансура нур» хусусий савдо ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Дилбар Бекжонова эса ҳар йили кўрилган фойданинг маълум қисмини кам таъминланган оила вакиллари

○ матбуот нашрларига обуна қилишга сарфлайди. ○

— Бу жараёнда асосий эътиборни контракт асосида таҳсил оладиган талабаларга қаратамиз, — дейди корхона раҳбари. — Мақсадимиз, уларнинг мамлакатимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан, янгиланишлардан ўз вақтида бохабар бўлиб боришларига кўмаклашиш. Шу орқали юртимиздаги бунёдкорликлардан фахр туюшларини, қолаверса, эришилаётган муваффақиятларга ҳавас уйғониб, иқтидорли ёшлар сафи кенгайишини истаймиз.

Корхона фаолият бошлаганига ўн йилдан ошди. Бу давр мобайнида унинг ўқув марказида ўн мингдан зиёд йигит-қизлар компьютер саводхонлиги, инглиз ва рус тиллари, тикувчилик, зардўзлик, ошпазлик, қандолатчилик, секретар-рефере, оила ҳамшираси каби кўплаб илм ва касб-

хунар сирларини ўрганишга муваффақ бўлдилар. Битирувчиларнинг аксарияти бугунги кунда ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмоқда.

Ўқув маркази маънавият хонасида кўплаб газета-журналларнинг истиқлол йилларидаги таҳламларини учратиш мумкин.

— 2012 йил учун обуна ишларини биринчилардан бўлиб бошладик, — дейди Дилбар Бекжонова. — Бу йил 5 талабани «Халқ сўзи», «Ishonch», «Туркистон», «Соғлом авлод» газеталари ҳамда «Тафаккур» журнаliga бепул обуна қилдик. Ёшларни обунага даъват қиларканмиз, газеталарни гуруҳдошлари билан биргаликда ўқишларини, янгилекларни баҳам кўриб, мулоҳаза юритишларини тавсия этамиз.

Муҳаббат ТҮРАБОЕВА,
«Ishonch» муҳбири

Нашр индекси — 133
Тулиқ бир йил учун расмийлаштирилган имтиёзли обуна индекси — 3133

"Ishonch" — Сизнинг газетангиз



oliy baxt

MUASSIS:
O'zbekiston Kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Bizga qo'ng'iroq qiling:

Kotibiyat: 256-52-78
Xatlar bo'limi: 256-85-43

Viloyat muxbirlari:

Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99893 415 06 66;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 679 32 79;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78;
Qoraqalpog'iston Respublikasi
va Xorazm + 99862 562 56 75;

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
IBM kompyuterida terildi va sahifalandi.
Ofset usulida bosildi. Bichimi A-3.
Hajmi 4 bosma tabaq.

Manziliimiz:

100165, Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy.
Nashr ko'rsatkichi: 133; 134

Gazeta haftaning seshanba,
payshanba va shanba
kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Mualliflar fikri tahririyat
nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda
«Ishonch»dan olinganligi
ko'rsatilishi shart.

Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar h belgisi
ostida chop etiladi.

E-mail: ishonch
2011@gmail.com



«Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonamanzili: «Buyuk
Turon» ko'chasi, 41-uy

Navbatchi muharrir:

J. Sharofboyev

Navbatchi:

A. Arslonov

Musahhih:

S. Shodiyeva

Sahifalovchi-

dizayner:

H. Abdusalilov

Bosishga topshirish

vaqti - 21.00

Topshirildi - 21.10

Buyurtma №—1011

Tiraji: 13284

ISSN 2010-5002

1 3 4 5